



Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 16 йиллигига
бағишланади

ДИЛЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2007

74.200.51 + 83.3937
Д51

Дилларда ватан мадҳи. —Т.: «O'ZBEKISTON» NMIU, 2007.
—96 б.

ББК 74.200.51
ББК 83.3(5У)6

ДИЛЛАРДА ВАТАН МАДҲИ
(тўплам)


Муҳаррир *С. Мирзааҳмедова*
Тех. муҳаррир *У. Ким*
Бадиий муҳаррир *Ҳ. Қутлуқов*
Мусаҳҳиҳлар *Ш. Мақсудова, М. Раҳимбекова*
Компьютерда тайрловчи *Л. Абжеримова*

Босишга рухсат этилди 16.08.2007 й. Қоғоз бичими 60 × 90^{1/16}.
Балтика гарнитурлада офсет усулида босилди. Шартли б.т. 6,0
Нашр т. 3,40. 25 000 нусхада чоп этилди. Баҳоси шартнома асосида.
Буюртма № 07-117.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

ISBN 978-9943-01-138-0

© «O'ZBEKISTON» NMIU, 2007 й.




СЎЗ БОШИ

"Ватан менсиз яшаши мумкин, лекин мен Ватанимсиз яшолмайман. Менинг бугуним ва эртаг Ўзбекистондай юртим борлигида. Мен шундай камол топайки, Ватанимнинг бугуни ва эртаси учун керак бўлай. Унинг корига яраш, дунё саҳнасига олиб чиқишда менинг ҳам ҳиссам бўлса, мен энг бахтиёр фарзандман".

Ҳурматли китобхон! Мазкур тўплам мутолаасига киришар экансиз, бу каби самимий фикрлар, дил изҳорларига бот-бот дуч келасиз. Улар жаннатмакон Ўзбекистонимиз — жонажон Ватанимизнинг ўсиб келаётган авлоди қалбидан таралаётган қайноқ туйғулардир. Юракдан чиққан сўз тўғри юракка боради, деганларидек, бу туйғулар қалбида Ватан ҳисси жўш урган ҳар бир юртдошимиз юрагига оқиб киради, ҳеч кимни бифарқ қолдирмайди. Ушбу дил изҳорларини ўқиб, Сиз ҳам шу азиз Ватан учун нимадир қилишга, яна бир бор атрофга сергак нигоҳ билан боқишга ҳаракат қила бошлайсиз. Китобнинг қиммати ҳам ана шунда.

Хабарингиз бор, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Республика Маънавият тарғибот марказининг қўшма қарори асосида **"Биз — Ўзбекистон фарзандларимиз", "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз", "Ўзбекнинг фурури тоғлардан баланд"** мавзуларида ўқувчи ёшлар ўртасида ижодий ишлар танловлари ўтказилган эди. Унда юртимиз умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари, олий ўқув юртларида таълим олаётган ўқувчилар ва талабалар фаол иштирок этдилар. Таъкидлаш жоизки, ёшларни Ватан, халқ, миллий қадриятларга ҳурмат, садоқат



руҳида тарбиялаш, ҳукуматимиз томонидан ўғил-қизларимизга яратиб берилаётган шарт-шароитларни англаш ва қадрлашга ўргатиш нуқтаи назаридан ҳам бу танловнинг алоҳида ўрни бор. Чунки инсон Ватан меҳр-муҳаббатини, гурурини юрак-юрагидан ҳис этиб улғайса, у ҳақиқий юртпарвар шахс бўлиб камол топади. Фарзандлари ана шундай фидойи мамлакатнинг эса қўрғонлари мустаҳкам бўлиши шубҳасиз.

Тўпладан жой олган иншолар денгиздан томчи, холос. Лекин ушбу мўъжаз тўплам мамлакатимизнинг келажаги ҳисобланмиш ёш авлод — мустақил юрт фарзандлари қалбидаги самимий кечинма ва туйғуларни баралла ифодалаб бера олади, десак янглишмаймиз.



ЎЗБЕКНИНГ БАЙРОҒИ ДОИМ САРБАЛАНД

Ўзбекнинг кимлигин фидодан сўра,
Қадимий, ўрхуний нидодан сўра.
Доро-ю, Искандар, мўғул айтмаса,
Тепангда ёлғиз ул Худодан сўра.

Ватанни севмоқ иймондандир, дейилади ҳадиси шарифларда. Мен ушбу иншоимни муборак Ватан ҳақида, бағрикенг ва дилкаш ўзбегим ҳақида ёзаётганимдан бахтиёрман.

Негаки, мен Тангри таолонинг инояти, сарвари коинотнинг шафоати ёғилган мардлар ўлкаси она-Ўзбекистон фарзанди эканлигимдан ҳар қанча фахру ғурурга тўлсам, арзийди.

Зеро, жаҳонга Қошғарийу Югнакийни, Хос Ҳожибу Ясавийни, Бухорийу Фарғонийни, Амир Темур ва Жалолиддинни, Навоийу Бобурни берган бу кўҳна ва жаннатмакон юрт илм-фан, маданият ошёнларидан бири.

Хон, саидлар босган тупроқ,
Бунча ширин бўйинг сенинг.
Ҳасад билан боққанларга
Кўзингга тош дегум келур.

Биз қадимдан ўзининг мардлиги ва жасурлиги, тантлиги ва меҳнатсеварлиги, бунёдкорлиги ва ҳур фикрлилиги билан дунё аҳлини ўзига ром этган фикри зукко, уйғоқ виждонли, фидойи боболарнинг сўнмас чироқларимиз. Ҳа, ўзбекнинг она макони ҳамиша обод ва озод юрт бўлишга интилган.

Биз бобо ва момоларимиз, ота ва онамиз, она-Ватанимиз олдидаги ишончни оқлашга, нурли юзини янада ёрув қилишга, улар олдидаги бурчларимизни бажаришга ваъда

берамиз. Зеро, биз буюк ва навқирон она-Ўзбекистоннинг эртанги кунимиз.

Келажаги буюк юрт Ўзбекистон — бизники,
Доно Юртбошимиз бор, минг бир имкон — бизники,
Соғлом авлод ўзи биз, учиб орзу кўкида,
Соҳибкамол бўламиз, жумла жаҳон бизники.

Ўзбекистон тангри назари тушган муқаддас заминдир.
Ўзбекистонимиз бир боғ бўлса, биз ўша боғнинг гулу лолаларимиз.

Ўзбекистон, ғурурим тоғлардан баланд,
Гуллаган юртимни таъриф этаман.
Баралла айтаман: озода халқимнинг,
Ўзбекнинг байроғи доим сарбаланд.

Ўзбек халқи учун нурафшон сана — 1991 йил 31 август кунини — мустақиллигимиз қабул қилинган кундир. Бу кун ўзбекларнинг қуёши чароғон, осмондаги юлдузлари ҳам порлоқ, кечаси гўзал, кундузи роҳатбахш кун ҳисобланади.

Ўзбекистон онам каби севимли макон,
Истиқлол қуёши яшнатган чаман.
Муқаддас рамзингни олқишлаб бугун,
Момом Нодиранинг созин чаламан.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, давлат рамзларига эга бўлди. Ўз тилига, Қомусига, гербига, байроғига, Президентига, мадҳиясига, чегарасига, валютасига ва армиясига эга бўлди.

Дил яйрар мадҳиянг — наволарингдан,
Тасаддиқ, туфингу турроларингдан.
Ўргилай, бахт қушинг Ҳумоларингдан,
Ватаним — ғурурим, шаъним, иймоним.
Келажаги буюк Ўзбекистоним!

Юртдошларимиз меҳнатсеварлиги, интилувчанлиги, яратувчанлиги, ижодқорлиги натижасида она-Ватанимизда бунёдқорлик ишлари авж олди ва бугунги кунда Ўзбекистон жаҳоннинг энг гўзал гўшаларидан бирига айланди. Гўзал

пойтахтимиз Тошкентдаги Амир Темур хиёбони, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Оқсарой қароргоҳи, шунингдек, ал-Фарғоний, ал-Марғиноний, ат-Термизий ва ал-Бухорий зиёратгоҳлари, Буюк ипак йўлининг тикланиши, юртимизга ҳусн бўлиб тушган коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртлиари, мактаблар бунга ёрқин мисолдир.

Жаҳон ичра менинг ёруф жаҳоним,
Боболари ўктам, зўр паҳлавоним.
Сенсан саждагоҳим, каъбам, иймоним,
Ватаним — ғурурим, шаъним иймоним,
Келажаги буюк Ўзбекистоним.

Ўзбек заминида ўсган ҳар бир фарзанднинг томирида сўзга сезгирлик, санъатга шайдолик, лафзи ҳалоллик бор, шоирзабонлик қон-қонига сингиб кетган.

Мен сизнинг фариштадек онангиз алласиман,
Карнай, сурнай, ноғора, ҳофизнинг ялласиман.
Мен оналар пандию, оталарнинг дуоси.
Мен ҳам сиздек шу юртнинг гавҳари донасиман.
Мен жаҳонгир Темурнинг ўтлиғ забонидирман,
Берунийнинг илмга талпинган жонидирман.
Улуғбек, Али Қушчи ушлаган қаламдирман,
Жалолиддин дилини ўртаган аламдирман.
Қодирий қаламидан тўкилган хуш насимман,
Фитрат, Чўлпон, Усмонман, Авлоний муаллимман.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Ўзбекистон ҳеч кимга қарам бўлмайди, ҳеч кимга муҳтожлик сезмайди. Бу ҳақда Президентимиз Ислон Каримов шундай деганлар: "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз".

Ўзбегимдек бағри кенг,
Ҳеч қайси юрт бўлмайди,
Ўзбек халқи ҳеч қачон
Ҳеч кимдан кам бўлмайди.

*Нилуфар МАДАМИНОВА,
АҚХИ қошидаги Куйганёр академик лицейи ўқувчиси*

“ВАТАН МЕНСИЗ ЯШАШИ МУМКИН, ЛЕКИН...”

“Сиз билан бизга Аллоҳ Ўзбекистон деб аталган, тупроғида олтин гулайдиган, қишларида баҳор шивирлайдиган, тоғ деса тоғи бор, боғ деса боғи бор, ҳар тонгда булбуллар мағҳини ўқиб тамом қилолмайдиган бир юртни Ватан қилиб берган экан, бунинг учун ўзимизни бахтли деб билмоғимиз керак”.

Озод ШАРАФИДДИНОВ

Ватан! Сен менинг туғилиб ўсган қишлоғим, гуллари атри мени гўзалликка етаклаган гулбоғим, “шодон куним гул отган, нолон куним юпатган” онам, жисмим қўним топган қошонам, тарихи асрларни енгган азим чинорим, кўксимдаги ифтихоримсан.

Ватан! Сенга бўлган муҳаббатим Ҳимолайдан-да пурвиқор, сенинг эртанг бўйнимга тумор, сен менинг ғурури осмоним, мозий доволаридан шон-шараф билан ўтган карвонимсан.

Ватан! Сен менинг руҳимдаги қарорим, келажагим кутаётган интизоримсан. Сен менинг дунёни титратган Темурим, жаҳонга донғи кетган Бобурим, қуёш нури оламини ёритгани каби кўнгил оламимни ёритувчи нурим, тоғлардан-да баланд ғуруримсан.

Ватан! Сен менинг бутун борлиғим, ҳаётим парвозига далда берган қанотим, мени эзгуликка етаклаган адабиётимсан. Бошқа ернинг пахтасига ўхшамайдиган — пайкаллаб ўсадиган пахтамансан, сен менинг Тангрим берган бахтимсан.

Ватан! Сен шеърларимга зеб, оро, минорлари асрларни енгган кўҳна Бухоройимсан. Сен меҳмондўст лафзи асал-

қандим, буюкларни улғайтган шаҳри Самарқандимсан. Сен орзуларим арқонида чирмашган аҳдим, Ўзбекистоним кўрки Тошкентимсан. Сен менинг хотамтой деҳқоним, қучоғи гулларга тўлган Намангонимсан.

Ватан! Сени яна нима деб атай, сени яна кимим деб севай. Сен борсанки, менинг ўзбегим бор, сен борсанки, менинг ўзлимим бор. Сенинг меҳр тафтинг борки, у ҳаммиса менинг юрагимни иситади, меҳр нурунг юзимни ёруғ қилади. Сенинг тол бешигинг мени аллалаб ухлатади, сенинг тупроқ кўчаларинг мени бахтиёр қилиб улғайтади. Бугун ана шу бешик, ана шу тупроқ кўчаларни улуғлаш, буюклигини дунёга ёйиш учун бел боғладим. Мен шундай фарзанд бўлайинки, токи Ватаним мендан рози бўлсин! Шундай қиз бўлиб ўсайки, қишлоғим мендай қизи борлигидан фахрлансин!

Ватан менсиз яшаши мумкин, лекин мен Ватанимсиз яшолмайман. Менинг бугуним ва эртан Ўзбекистондай юртим борлигида. Мен шундай камол топайки, Ватанимнинг бугуни ва эртаси учун керак бўлай. Унинг корига яраш, дунё саҳнасига олиб чиқишда менинг ҳам ҳиссам бўлса, мен энг бахтиёр фарзандман.

Мозийга қайтиб Ватаним тарихини тасаввур қилиб кўраман. Ана ўша олис ўтмишдан эрк, озодлик учун курашган, иймони пўлатдан-да мустаҳкам, маънавияти бекам, сўзи шамширдан-да кескирроқ, зеҳни олмосдан-да ўткирроқ ўзбек халқи тарихини ўқиб, Ватаним истиқболлини кўраман. Бу юрт ўз бешигида соҳибқиронни, сўз мулкининг султонини улғайтирди. Унинг буюк фарзандлари донғи дунёга тарқалди. Бугун ҳам у ана шундай фарзандларни ўстираяпти. Унинг фарзандлари бугун ҳам дунёни ларзага соляпти.

Ватанимиз бизни худди ўзидек мағрур, худди ўзидек бағри кенг ва меҳмондўст қилиб ўстираяпти. Биз шундай фарзанд бўлайликки, Ўзбекистоннинг довуғини эшитмаган, "Ўзбекистон" деган жаннатмонанд юртни билмаган бир жон қолмасин.

Ватан соғинчи, бу қандай тушунча? Бу Фурқатнинг шеърини ёки юрагида асраган муҳаббатими? Бобурнинг то-

леига битилган айрилиғими? Нега бу тупроқни кўзга сур-
тишга интизор бўлдилар?

Аслида тупроқни одил табиат,
Тақсим айлаган-ку ер юзига тенг.
Нечун бу тупроқ деб йиғлади Фурқат,
О! Қашқар тупроғи, қашшоқмидинг сен?

Ватан туйғуси инсон билан бирга ўсиб улғаяркан. Болалигим чопқиллаган, ёзда тупроқ, қишда лой бўлса-да, юрагимнинг бир парчаси бўлган қишлоқ кўчасидан ташқарига чиққанимда, энди юрагимда кучли бир туйғу фалаён кўтарди. Дўппидек қишлоғим менинг болалигимни, беғубор шўхлигимни, ўйинлардаги "амма-холалигим"ни олиб қолди. Фақат менга осмон-осмон орзуларимни берди. Орзулар карвони мени шаҳар бекатига олиб келди. Ҳа, энди тушуниб етдим Ватан соғинчи нима эканлигини, юртидан айрилган девоналарни. Қани, иложи бўлса, ўша "кичик ватаним"ни ўзим билан олиб юрсам, ундан айрилмасам. Шундай хаёлларимни ўйлаб, "содда кўнглим" орзусидан беихтиёр кулгим келади. Мен фақат қишлоғимдан унинг соғинчини олиб кетишим мумкин. "Олтовлон ва еттинчи" ҳикояси бош қаҳрамони Хурам Жўҳадзенинг қуйидаги сўзларини эслайлик: "Ватанни олиб кетиб бўлмайди. Фақат соғинч ва армонларимизни олиб кетамиз. Агар Ватанни хуржун каби олиб юриш ва ташиб кетиш мумкин бўлганда, у сариқ чақага ҳам арзимасди". Ватанни соғиниш унга бўлган муҳаббатнинг белгисидир. Ҳар бир инсон ватанидан узоқлашганда ватан соғинчини туйиб, халқини онасидек, боласидек суйиб яшасин.

Бу тупроқ бизники, шу осмон бизники, эркимиз, қудратимиз ўзимизники. Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз. Шу Ватан равнақи, шу юрт келажагини яратишдек масъулият ҳам бизники. Бизнинг юрт ҳаётидан ғофил қолишга, унга бўлган масъулиятни елкадан олишга ҳаққимиз йўқ.

Ватан! Сенинг бугунги тинч кунинг менинг келажагим, бугунги равнақинг менинг истиқболим, сен менинг танграм ато этган рўйи заминим, сенинг душманинг менинг



душманим. Сен менинг тунда йўлим ёритувчи тўлин ойим,
аждодарим излари бор қадам жойим. Токи яшар экан-
ман, юрагимда сенга бўлган муҳаббатим алангаси ёнаве-
ради. Юрагим менга бўлган меҳринг шаробидан қонаве-
ради.

*Хуршида САИДНҶЪМОНОВА,
НамДУ қошигаги 2-академик лицей ўқувчиси*



САЖДАГОҲДАЙ МУҚАДДАС, ПОК ВА УЛУҒ

Ватан! Қадим-қадимлардан оташ олови сўнмай келаётган муқаддас ўчоқ! Ватан — тақдири гоҳ рухлантириб, гоҳ йиғлатган мўъжиза, қўшиқ.

Ватан! Сенинг ҳажрингда кимлар оҳ чекмаган. Ўғлинг Бобур бир тилим қовунни соғиниб, ўзга юртларда жон берди. Фурқатинг эса кўзларига тўтиё айлагали бир сиқим тупроғинга зор бўлиб, ёт эларда армон билан кўз юмди.

Ватан, бу бир ажойиб, мўъжизакор сўзки, уни ҳар ким турлича талқин қилади. Мен эса "Ватан" сўзини "она" сўзига қиёслагим келади. Она бутун бир оилани тарбиялаб вояга етказса, Ватан эса ўз кучоғида яшаётган барча инсонларни тарбиялаб, уларга, ёши ва миллатидан қатъи назар, бошчилик қилади. Дунёда ҳеч бир шоир йўқки, Ватан ҳақида шеър ёзмаган бўлса, ҳеч бир ҳофиз йўқки, ўз Ватанини кўкларга кўтариб тараннум этмаган бўлса, бирор-бир инсон йўқки, ҳеч бўлмаса, атиги бир маротаба бўлса ҳам Ватан ҳақида ўйламаган, унинг келажаги ҳақида қайғурмаган бўлса.

Қадим замонларда "Ватан қаердан бошланади?" деб савол беришганида, бир донишманд: "Ватан остонадан бошланади", — деб жавоб берган экан.

Айтишларича, бир адиб "Чўлда тушиб ётган оддий чўпни ҳам эъзозлаш керак, чунки у юрт ҳудудида ётибди, Ватан эса ана шу хасдан бошланади", деган экан. Кимдир "Ватан кўнгилдан бошланади", дейди.

Ўзбекнинг Ватани унинг битмас-туганмас тарихидан, тоза туйғуларидан бошланади. Бизнинг Ватанимиз Ўзбекистондир.

Истиқдолни қўлга киритган халқимиз ўзининг Давлат тили деб ном олган тилига ва бошқа халқларни лол қолдирувчи етук маданиятига ҳам эгадир.



Ўзбекистонимизнинг мустақил давлат бўлганини 200 га яқин мамлакат тан олди ва уларнинг кўпчилиги билан дипломатик алоқа ўрнатилди.

Мустақил Ўзбекистонимиз ўзининг унутилмас тарихи ва қадриятлари, битмас-туганмас табиий бойликлари, "оқ олтин"и, пилласи, шириндан-шакар меваларию тилёра қовун-тарвузлари билан дунёга машҳурдир. Мен бундай сўлим диёрнинг фарзанди эканимдан фахрланаман. Чунки бундай диёрда туғилиб, унинг мусаффо ҳавосидан тўйиб нафас олиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Ҳа, Ўзбекистонимизнинг келажаги буюқдир. Олий Мажлиснинг I чақириқ II сессиясида Юртбошимиз Ислоҳ Қаримов шундай деган эди: "Ватан тушунчаси биз учун саждагохдай муқаддас, саждагохдай пок ва улуғ бўлмоғи керак. Миллий ғурури, миллий ифтихори баланд миллатни енгиб бўлмайди".

Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг бу сўзлари айнан биз ёшларга айтилгандек туюлади. Бизни янги орзулар ва меҳнат зафарларига чорлайди.

*Нодира КУЛИБОЕВА,
Янгийўл технология иқтисодиёт
касб-ҳунар коллежи ўқувчиси*



ТИНЧЛИК — ЭНГ УЛУФ НЕЪМАТ

Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.

Ислом КАРИМОВ

Ватан! Бу сўз бизнинг қалбимизга она алласидан, унинг қайноқ муҳаббатидан сингади. Агар маълум бир муддат ўз уйимиздан сал олисроқда яшаб қолсак, кўнглимиз ғаш бўлаверади. Ҳар қандай кўнгилочар нарсалар ҳам бизни қувонтира олмайди. Негаки, биз ўз гўшамизни қўмсай бошлаймиз. Бу Ватанни севишнинг бир кўриниши эмасми?! Ватанга муҳаббат, уни ардоқлаш, она-Ватанга тегишли бўлган ҳар бир нарсани муқаддас билиш, ўзини шу Ватан кенгликларига даҳдор деб ҳис қилиш ҳақиқий инсонларга хос фазилатдир.

Бу азиз кунларга халқимиз осонликча эришгани йўқ. Бегуноҳ кишиларнинг муборак руҳларини шод этмоқ учун Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси қўлидан келганича хайрли ишларни бажариши шарт. Оллоҳга минг шукрлар бўлсинки, мустақиллик деган буюк неъматга эришгач, буюк келажак барпо этишга киришилди. Бунинг учун эса мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш учун интилишимиз керак. Ўзбекистоннинг келажаги биз ёшларнинг қўлида. Халқимизда бир нақл бор: "Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ". Моҳиятан бизни ўйга толдирадиган бу нақлни тинчлик маъносида ҳам қўлласак бўларкан. Худога шукр, бошимизда тинч осмон, оёғимиз остида унумдор ер, сув бор. Муҳими, ота-онамиз бағрида, тинчлик замонида яйраб яшаймиз. Дарҳақиқат, тинчлик энг улуф неъмат. Бу борада жаҳоннинг машҳур ёзувчиси, урушнинг барча ситамларини бошидан кечирган, Нобель мукофоти совриндори Эрнест Хемингуэй: "Наҳотки инсоният даҳшат ва афсонага дуч келгунига қадар ҳаётни севолмаса?" — деган эди.

Ўзбекистонимиз буюк мақсадлар сари интилмоқда. Барча йўлларни бизнинг келажагимиз учун очиб бермоқда.



Шундай экан, биз ёшлар халқимиз равнақи йўлида қайғуриб, келажакда янада юксак даражаларга эришиш учун ўз кучимизга таяниб, юртимизнинг гуллаб-яшнашига ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

*Меҳринисо МАРАИМОВА,
Фарғона тиббиёт коллежи ўқувчиси*



"АСЛ ЗОТЛАР АВЛОДЛАРИ БОШ ЭГМАС, ЁВҚУР..."

Мен ўзбекман!
Тинмай оқар томирларимда
Ўзига бек бўлган эрки халқимнинг қони.
Мен ўзбекман!
Муқаддас юрт, муқаддас тупроқ,
Аждодлардан мерос қолган кўҳна Туроним.

Ҳа, мен бугун бизга боболардан мерос қолган бу кўҳна юрт, бу она-заминда яшаётган, унинг қаҳрамонона ўтмиши, эрк ва ҳуррият шабадаларидан нафас олиб кундан-кунга юксалаётган бугуни ва порлоқ эртасидан фахруғурурга тўлган ўзбек фарзандларининг бириман. Биз яшаётган бу қадимий ўлка инсоният тараққиётида ўзига хос из қолдира олган буюк зотларнинг бешигидир. Бу бешикда эрксевар, юртсевар, элсевар фарзандлар улғайган.

Мен ўзбекман!
Элу юртин эркини ўйлаб,
Кеча олган фароғату тинчидан ўзин,
Кайхисравнинг узиб бошин, тўйдирган қонга
Ебтўймасу дунёга ўч, қонташна кўзин,
Тўмарисдек жасур момом фарзандиман мен.

Миллат надир, Ватан надир, Юрт севмоқлик қандайин туйғу? Биз кимларни юртсевар деб атаймиз? Кўз ўнгимда катта бир юрт шоҳи бўлса-да, оддий ўтовларда кун кечирган, халқи билан ўзини бир тан-бир жон деб билган, бутун борлиқни қумга кўмиб юборишга қасд қилган саҳро шамолларининг даҳшатли ўкирикларини эрк қўшиғи каби тинглаган, душманнинг ҳар бир ҳийла-найрангини туб илдизларидан англаган Тўмарисдек момоларимизнинг


Ўз тупроғини ҳашаматли саройларга, тантанали зиёфатларга, роҳат-фароғатли ҳаётга алмаштиргандан кўра ўлимни афзал билиб, қўлига қилич олганликларидан фахрланиб кетаман. Ўзимни шундай пок момолар зурриёдидан эканлигимни ўйлаб, кўнглим тоғдек ўсади.

Мен ўзбекман!
Сўйлар ровийлар —
Ватан учун жонидан кечиб,
Тик қараган ўлимга ҳам, қаҳқаҳа урган,
Битта ўзи минг-минг душманнинг.
Жасадларин кўмиб қумларга, чаёнларга, илонларга ем қилган
Широқ бобом жасоратиман.

Бу кўҳна заминга кимлар қилич кўтариб келмади. Уларнинг ҳар бири бу юрт эгаларини қул қилиш, унинг бойликларига эга бўлиш ва ташиб кетиш, Туронзамин ерларини билганича топташ ниятида келдилар. Лекин ёвуз мақсадлари ўз бошларига етиб, шармандали ўлим топдилар. Аммо, айни сабоқдан хулоса чиқармаган яна бошқа "фотиҳлар" бу юртга юриш қилиб кўрдилар, баъзилари уни эгалладилар ҳам. Лекин ҳар сафар халқни қул қилиш, бу заминнинг абадий эгаси бўлишдек хомхаёллари пучга чиқарди. Ҳар гал, улар назарида гўё тамом бўлган, ўзлигини, тарихини, дину иймонини унутган халқ ўзида қандайдир энгиб бўлмас куч топа олди ва самандар қушдек бош кўтариб, келгиндиларнинг ўзини ер билан яксон қилиб ташлайверди.

Мен ўзбекман!
Ўз юртини қутқариб ёвдан,
Душманларин зир титратиб, кезган дунёни
Соҳибқирон, жаҳонгашта Мир Темур бобом —
Наслиданман,
Тан олган башар.

Улуғ бобом! Қай бир ишга қўл урсангиз, халқим дедингиз, эл-юрт учун, озодлик учун кураш майдонига от солиб кирдингиз. "Рости-русти" шиорингиз эди ҳар ишда. "Ту-



зук"ингиз адолатнинг мезони бўлди, юрт яшнади, эл қувнади, Турк доврўи оламни тутди. Лекин орадан бир қанча асрлар ўтиб, номингизга доғ солмоққа уринганлар бўлди. Бироқ, олтин зангламас, дейдилар. Бугун юртда Сизнинг пок номингиз, эзгу тилакларингиз авлодларингиз тилларида дoston ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажак.

Мен ўзбекман!
Асрларнинг силсиласида
Ўзлигини йўқотмаган ва сотмаган.
Турклигини фахр билан тилга олган
Хоразмийлар,
Фарғонийлар,
Бухорийлар,
Тошкандийлар,
Насафийлар,
Самарқандий,
Марғиноний
Зурриёдиман!

Инсоният дунё сирларини ўрганишга бел боғлаганда, бу чексиз оламнинг синоатларини кашф этишга киришганида, менинг аллома боболарим ўз билим ва иқтидорлари билан жаҳон аҳлини ҳайратга солган ва бугунгача ҳайратлантириб келмоқда. Уларнинг ўз асбоб-ускуналари ёрдамида амалга оширган ўлчовлари бугунги кунда коинотдан туриб энг замонавий техникалар ёрдамида аниқланаётган ўлчовлардан деярли фарқ қилмаслиги буюк боболаримизнинг беқиёс ақл ва идрок соҳиби бўлганларидан далолат беради. Боболаримизга муносиб авлод бўлиш, улар қолдириб кетган Ватан ҳамда улкан илмий ва маънавий меросни кўз қорачиғидай асраш, илму фанда улкан кашфиётлар қилиб юртимиз шухратини оламга қайта ёйиш энг муқаддас бурчимиздир. Шуни англаб яшаш, сен шу юртнинг эгаси ва унинг эртаси эканлигини унутмаслик — катта масъулият.

Мен ўзбекман!
Она тилим
Нафосати,
Қудратини

Этиб намоён,
Туркий тилнинг шуҳратини
Жаҳонга ёйган,
Қошғарийлар,
Хос Ҳожиблар,
Югнакийлар,
Яссавийлар,
Навоий ва
Бобурларнинг
Набирасиман.

Мен ўзбек тилида сўзлайман ва бу тилда сўзлаётганимдан, у менинг она тилим эканлигидан чексиз фахр ва ифтихор туйғуларига фарқ бўламан. Ахир мен улуғ боболарим асрлар оша асраб-авайлаб, бойитиб, мерос қилиб қолдирган, ҳали мурғак гўдаклигимданоқ онам алласи орқали қон-қонимга сингиб кетган гўзал тилнинг эгасиман. Бу тилда битилган минглаб бадий ва илмий асарлар ўз нафосати, сермазмунлиги, бетакрорлиги билан миллионлаб илм ва маърифат аҳлининг қалбини забт этган, уларни улуғ ишларга, кашфиётларга ундаган. Биз ёшларнинг бурчимиз бу бебаҳо бойлигимизни кўз қорачиғидай асрамоқ, уни янада бой ҳолатда келгуси авлодларга қолдирмоқдир. Зеро, улуғ боболаримиздан Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон ойинаи ҳаёти тил ва адабиётдур". Боболар ўғитига қулоқ солсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз.

Мен ўзбекман!
Ўз юртининг эртасин кўзлаб,
"Душманларга бошинг эгма,
Кишан кийма!" — дея ҳайқирган
Ва бош эгмай шаҳид кетган
Фитрат, Чўлпон,
Боту, Элбек,
Усмон Носир,
Қодирийлар
Авлодиданман.

Бу зотларнинг авлодларин қул қилиб бўлмас,
Бу зотларнинг авлодлари бош эгмас, ёвқур,
Бу зотларнинг авлодлари билмагай қўрқув,
Бу зотларнинг авлодлари курашар мангу!

1991 йилнинг 31 август куни. Ватанзимизнинг улкан мин-барига кўтарилган Юртбошимиз миллионларнинг қалбидаги эзгу мақсадни эълон қилди. Бу сана халқимиз тарихида абадий муҳрланиб қолажак. Бу санани келгуси авлодлар ҳам биз каби фахр ва ифтихор туйғулари билан тилга олажак. Чунки унда аждодларимизнинг асрлар оша курашиб, муборак қонлар тўкиб интилган эзгу орзуси — эрк мужассам. Бу улўф ниятнинг амалга ошиши учун халқимиз қанчалар заҳмат чеқди, қанчадан-қанча фидойи фарзандларидан ажралди — санаб адоғига етиш мушкул. Бас, шундай экан, ҳар биримиз Юртбошимиз Ислом Каримов бошлаб берган ва олға ундаётган истиқболли йўлдан собитқадамлик билан юрмоғимиз, Ватан истиқдолини қадрламоғимиз, барча эзгу ишларга бош қўшмоғимиз зарур бўлади. Шундагина Ўзбекистон — менинг Ватаним, мен ўзбек халқининг фарзандиман, деб баралла айта олишга ҳақли бўламиз.

Мен ўзбекман!
Жигарбанди эркли элимнинг,
Тоғлардан-да юксак қалбада фахрим, гурурим.
Ҳеч кимдан кам эмасман мен ва бўлмайман кам,
Ўзбекман мен, юрт меҳри-ла тўлган шуурум.
Мен ўзбекман!
Менинг фахрим,
Шарафимдир ЎЗБЕК деган ном!

*Асқарали РЎЗИБОЕВ,
Фарғона политехника институти қошидаги
3-сон академик лицей ўқувчиси*

АБАДИЙ ТУЙГУЛАР ТИМСОЛИ — ВАТАН!

Инсон Яратганнинг ҳукми билан қайси маконда туғилса, вояга етса, унга ўша жой Ватан бўлади. Ватанда инсоннинг авлод-аждодлари, давлати ва халқи билан боғлиқ анъана ва ўлмас қадриятлар шаклланади. Инсон нафақат ўз юртининг ери ва ҳавоси, суви ва табиатидан фойдаланади, балки Ватан инсон учун бебаҳо бойлик, Ватаннинг борлиги одамга беқиёс куч-қудрат, ғайрат-шижоат бахш этади. Чунки инсоннинг энг покиза ва муқаддас туйғулари ўзи туғилган, вояга етган замин — Ватани бағрида уйғонади. Киши қадрдон юртида ўзини озод ва эркин ҳис қилади. Шунинг учун халқимиз "Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл" дейди. Демак, ўз юртимизда оддий касб эгаси бўлмоқ, ўзга юртда подшоҳ бўлишдан афзал экан. Ватаннинг ўзи қанчалик бебаҳо бўлса, у билан боғлиқ туйғулар ҳам шунчалик қадриlidir. Шунинг учун Ватан туйғуси инсоннинг доимий эҳтиёжи, абадий туйғулар даражасида гавдаланади. Бу туйғу қанчалик мукамал бўлса, инсон шунчалик баркамолдир.

Халқимизда "Истиқболнинг порлоқ, толеинг баланд бўлсин" деган тилак бор. Бу нақл кўпроқ фарзандларга нисбатан қўлланилади. Яъни халқимиз ёшларга эзгулик тилаб: "Келажагинг бахт-саодатли бўлсин. Ана шу бахт, омад доимо сенга ҳамроҳ бўлсин" дея ният қилади. Мана шу орзулар бизнинг ҳур мамлакатимизда давлат миқёсига кўтарилган. Ҳукуматимиз ёшлар истиқболи учун жуда катта ишларни амалга оширмоқда.


"Келажақда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қолдириши лозим", — дейди ҳурматли Президентимиз Исом Каримов.



Юртимизда фарзандлар камоли учун ҳамма нарса муҳайё. Кўплаб мактаблар замон талабига мослаб таъмирланиб, яна кўплари янгидан қурилди ва қурилмоқда. Академик лицей, касб-ҳунар коллежлари бунёд этилиб, ёшларни ўз бағрига олмоқда. Билимдон фарзандларимиз чет элларда ҳам таҳсил оляпти. Юртбошимизнинг бугунги ёшлардан умиди катта. Азалдан халқимиз орасидан доно ва истеъдодли ёшлар кўплаб чиққан. Ва ақл-заковат бобида дунёни лол қолдиришган. Биз — ўзбек фарзандларининг томирида инсоният маънавият хазинасига улкан ҳисса қўшган буюк бобокалонларимиз қони оқмоқда.

Дилноза ҲОМИДОВА,
Нурота қишлоқ хўжалик
касб-ҳунар коллежи ўқувчиси





ЧЎП ҚАДАСАНГ, ДАРАХТ УНАР ЗАМИН — БУ!

Дунёда халқлар кўп. Бу халқларнинг ҳар бири ўз урф-одатига, ўз дунёқарашига эга. Дунёда шундай бир халқ борки, унинг кўнгли очиқ, юраги меҳрга тўлиқ, юзларидан нур ёғилар, икки қўли доим кўксиди. Ўғлонлари мисли Алпомиш, қизлари эса Барчиндек. Ўзбек қизлари ҳақида гапирилганда, албатта, уларнинг ҳаё ва ибоси бошқа халқларнинг қизларига намуна қилиб кўрсатилади. Ерга чўп қадасанг, дарахт унар бу заминда. Бу юрт Ўзбекистон дея аталур. Унинг халқи бетимсолдир. Бугун уни дунё танимоқда. У ҳар томонлама ривожланмоқда. Бу давлат таърифидан ҳайратланмай илож йўқ. Тарихида шундай алломалар ва даҳолар ўтганки, уларнинг номларини бутун кўраи замин билади.

Ўзбекнинг урф-одатлари ҳар қандай кишининг ҳайратини оширади. Тўй-томоша ва байрамлари қандай ўтишидан қатъи назар, бошқа халқлардан фарқли ўлароқ, буларнинг бари ёшу қарилар, ёру биродарлар, қўшни-қариндошлар билан нишонланади. Хурсандчилик ҳаммага бирдек татийди.

*Шоҳиста ЭШМОНОВА,
СамДУ қошидаги 1-сон академик лицей ўқувчиси*



"ЗУВАЛАМИЗ САМИМИЯТДАН..."

Ватан... Ватан ҳақида сўзлаш нақадар ёқимли, лазиз, нақадар қувончли, ҳаяжонли, шу билан бирга мушкул. Инсон юрагида илоҳий нур каби ёлқинланиб турадиган, ҳамиша мўътабар "она" сўзи билан ёнма-ён турадиган бу лазиз ва азиз сўз Ватан эмасми? Хорижда яшайдиган ватандошимиз иш жойининг эшиги тепасига бир сиқим Ўзбекистон тупроғини илиб қўйган экан. У ҳар кириб чиққанда пешонаси тепасида турган она тупроқдан нима олар экан? Нима ҳис қилар экан — бу унинг ўзигагина аён.

Таваллуд топган ерга ҳурмат тариқасида Имом Бухорий, ал-Фарғоний, Марғиноний, Маҳмуд Қошғарий каби улуғ аждодларимиз нима учун исмлари охирида туғилиб ўсган жойлари номини қўшиб айтганликлари сабабини бугун яна ҳам чуқурроқ англаётгандекман.

Боғчага борган кезларимда боғча опамиз шундай дер эдилар: "Болажонлар, ерни ағдарганингизда тупроқ тафтини ҳис қиласизлар. Она замин ҳаммамизни севади. Биз ҳам ерга муҳаббат беришимиз керак".

Ўша даврда мен учун сеҳрли бўлган бу сўзлар ҳамон қулоғимда жаранглайди. Момо ерим дегим келади, туғилиб ўсган гўшамни. Кейинги пайтларда мурғак қалбим Ватанимга бўлган меҳрга тўлиб бораётганини сезаяпман. Гўё қалбим чертилмакка созланган тор монанд. Майин майсалару мутаттар гуллар, шовуллаган дарахтлару зилол сувлар, кўкдаги лочинлару арқонга тизилган мисол учаётган турналар билан учаётгандекман. Не бахтки, башариятнинг бизга инъом этган тухфаси, XX асрнинг охириги ўн йили халқимиз тарихида ўчмас из қолдирди. Ватаним ҳур, юртим обод, халқим шод. Энди Ўзбекистонимизни бутун дунё тан олмақда. Юртбошимизнинг, халқимизнинг олижаноб фази-



латлари, сабр-матонати, фидокорона меҳнатлари туфайли келажакимиз пойдевори барпо этилди. Ўзбек халқи янги асрга ёруғ юз билан кириб келди. Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгандан бери ижтимоий ҳаётимизнинг турли соҳаларида ижобий ўзгаришлар рўй бераётганлигини эътироф этиш керак. Водий марвариди она шаҳримиз Марғилоннинг 2000 йиллигини муносиб нишонлаш ЮНЕСКО бош конференциясининг 33-сессиясида кўрилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Ташкилий қўмита она шаҳримиз Марғилоннинг бугунги қиёфасини тубдан ўзгартиришга қаратилган турли қурилиш ва ободончилик ишларини замонавий талаблар асосида амалга оширишга алоҳида аҳамият бераётганлиги, биз марғилонликларни жуда-жуда қувонтирди.

Инсоният қалбида руҳий озуқага эҳтиёж ҳамиша сезилиб туради. У ўзини камолотга етказиш учун куч-қудрат манбаларини излайди. Аждодлар тарихи, хотира ана шундай қудратли манба сарчашмасидир. Шубҳа йўқки, бундан буён ҳам мамлакатимиз ҳаётида янги-янги ўзгаришлар, шодиёна ва қувончли кунлар кўп бўлади. Мен бугун "Ўзбекистон фарзандиман" дейишга ҳақли эканман, Ватаним тақдири, шаъни-шавкатини ўз елкасида кўтариб келаятган она халқим парвозига қанот бўлишга шайман. Барча ютуқларимизнинг ижодкорлари, бунёдкорлар изидан боришга тайёрман. Она Ватаним тинчлиги, осойишталиги учун огоҳ бўлишга, ўзаро аҳил, меҳр-оқибатли бўлиб яшашга интиламан. Ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда мисоли эркин қуш каби салоҳиятимни кучайтириб, она юртим таянчи бўлишга шайман. Чунки мен зуваласи самимиятга йўғрилган ўзбекининг фарзандиман.

Кўриб душманларинг куйиб сил бўлгай,
Эҳ-ҳе, ёзаверсам, қанча йил бўлгай.
Ватан бир дилимни гиёҳларингга
Бўлиб чиқсам, эҳ-ҳе, қанча дил бўлгай!

*Мухлисахон РОЖИЕВА,
Марғилон педагогика коллежи ўқувчиси*

"ҚАФАСДА ПАРВОЗ БЎЛМАЙДИ..."

У ёввойи гул эди: даштда туғилди. Баҳор ёмғирлари шивирлаган паллада ерни тимдалаб, ёруғ дунёга чиқди. Барқ уриб ўса бошлади.

Бироқ... Қурғоқчилик бошланиб, ер тошдек қотди. У жизғанак бўлиб, сўлди. Устига-устак аллақандай қузғунлар уни топтаб ўтди. Кетидан аччиқ-аччиқ шамоллар эсди.

Қор ёғди ... Тамом!

... Аммо у тирик эди! У осуда ва порлоқ кунларга талпиниб яшади. Шунча кўргиликлари эвазига бахтли бўлишга ишонарди.

Мана, яна баҳор келди. Илиқ-илиқ ёмғирлар ёғди. У жамики кўргиликлари эвазига қайтадан бош кўтарди. Қаддини ростлаб, яна барқ уриб ўса бошлади. Фунча тугди... Олов парчасидек лов-лов ёнди. Шу қадар муаттар бўй тарата бошладики, ҳамма ҳайратдан ёқа ушлади! Чунки унинг бошида баҳор қуёши заррин нур сочарди. У тинчликнинг мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб баҳра оларди. Бу менинг она халқим, она Ватаним эди... Илоҳим, тинчлигимиз абдий бўлсин!

Дарҳақиқат, бугун она Ватанинг танти фарзанди бўлиб, қалбимдаги эзгу ниятларимни, пок туйғуларимни баралла айта олиш, амалга ошириш ва унга эришиш бахтига, озод кунларга мушарраф бўлиб турганимдан фахрланаман. Бу кунларга эришмоқ орзусида қанчадан-қанча аждодларимиз жанг майдонларида шу халқ, шу Ватан учун жон олиб, жон бериб курашганлар.

Биласан-ку, азиз тенгдошим! Ватан учун жонин тиккан қанча аждодим! Булар кимлар эди, азиз тенгдошим? Булар сенинг, менинг аждодим, қоним, қондошим.

Алишер Навоий ҳазратлари таъбири билан айтганда:

Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,
Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш.

Дарҳақиқат, қафасда парвоз бўлмайди. Қафасдаги қушнинг судралувчи жонивордан не фарқи бор, ахир?

Донишмандларимиздан бири таъкидлаганидек:

"Уч нарса қадрини уч тоифадаги инсон тушунади: Ёшлик қадрини — қариялар, соғлик қадрини — беморлар ва Ватан қадрини — ундан айро тушганлар".

Аммо шу кунларга етишишимиз учун кимларнингдир қони, кимларнингдир жони тикилганини ҳеч ўйлаб кўрганмизми? Етмиш беш йил қарамликда, оқни қора, қорани оқ дейишга мажбур бўлдик. Ҳозир замон бошқача. Ҳозир биз замонавий ва ёруғ хоналарда таълим олаяпмиз. Олий тоифали устозлар кўлида, дунё сирларидан огоҳ бўлмоқдамиз.

Ҳар тонг порлоқ орзулар сари ишга, ўқишга отланамиз. Қани, айтинг-чи, замондош, инсон учун бундан ортиқ бахт борми дунёда? Биз ҳозир ўз она тилимиздан ташқари чет тилларни ҳам мукамал ўрганмоқдамиз.

Илоҳим, Тангрининг ўзи мустақил диёримизни, келажагимизни, бахтимизни ўйлаб яшаётган она халқимизни ва Юртбошимизни ўз паноҳида асрасин! Ҳамиша шу сўзлар бизнинг тилимизда, дилимизда мангу муҳрланиб қолсин.

*Нафосат ОЧИЛОВА,
НДПИ ҳузуридаги компьютер ва ахборот
технологиялари лицейи ўқувчиси*



МУСТАҚИЛЛИК — ҒУРУР, ВИҶОР, ЮКСАКЛИК!

Ватанимиз шундай бир юртки, унинг Алишер Навоий-дек фарзандларидан ҳатто булбуллар улги олган. Биз Увайсий, Нодирабегимдек ибо ва ҳаёга бурканган, бир елкасида оналик юкини, иккинчисида давлат ишларини кўтарган оқила аёллар яшаган диёр фарзандимиз.

Инсон дунёга келар экан, у аввало ўзлигини, ғурурини ўзида тарбиялай олиши ва мустаҳкам шакллантириши керак. Чунки ғурури йўқ инсон ўзлигини англамайди ва у кимгадир қарам бўлади. Бу ёруғ дунёда ҳаёт аталмиш буюк неъматдан баҳра олар эканмиз, кимгадир қарам бўлишдан Тангрининг ўзи асрасин.

Инсон қаерда бўлмасин, ўзлигини унутмаслиги, ўз ғурурини ҳамма нарсадан устун қўйиши лозим. Чунки Мирзо Улуғбекдек юлдузлар илми билағони, Абу Райҳон Беруний, ал-Хоразмий, Имом ал-Бухорий, Абу Али ибн Синодек ўз даврининг етук уламоларига авлод бўлиш бизга насиб этганлигининг ўзи улкан бахтдир.

Юртимиз қадимдан ўзининг Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива каби шаҳарлари билан машҳур. Тарихий асарларда бу кўҳна шаҳарларнинг номи қайд этилгани, бизнинг Сурхондарёдаги Фаёзтепа, ал-Ҳаким ат-Термизий ёдгорликларининг айна пайтда ҳам гуллаб-яшнаётгани бизга ўзгача ғурур бағишлайди.

Ҳозирги кунда ўзбек ёшларининг йўли ҳар томонлама очиқдир. Ўқишга кириб, олий даргоҳларда таълим-тарбия олиш ва истаган жойида ўзининг иш фаолиятини давом эттириш имконияти мавжуд. Айниқса, спорт соҳасидаги ютуқлар салмоқлидир. Телевизор қаршисида бирор мусобақани кузатадиган бўлсак, унда ҳамюртимизнинг голиб бўлиб, юксак поғоналарга кўтарилганини, байроғимиз энг



юқорида виқор билан ҳилпираётганини, давлатимиз мадҳияси янграётганини кўрсак, ғурурдан осмон қадар парвоз қиламиз. Чунки ўзга юртда ўз юртининг, халқининг ғурурини кўкларга кўтариш осон юмуш эмас. Ёш авлод Муҳаммадқодир Абдуллаев, Рустам Қосимжонов, Ирода Тўлаганова, Миржалол Қосимов, Руслан Чагаев каби таниқли спортчиларга ўхшашни чин дилдан истайди. Юртимизда спорт соҳасига катта эътибор берилганки, ёш авлодни ҳар томонлама етук, жисмонан соғлом тарбиялаш мақсадида "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" каби спорт мусобақалари ўтказилиб келинмоқда. Бу мусобақаларда қатнашиб, олий ўринларга кўтарилаётган ўзбек фарзандлари дунё халқларининг эътиборини жалб қилган.

Ҳар бир юртнинг тинчлиги мустаҳкам бўлиши учун унинг ҳар томонлама таъминланган армияси бўлиши шарт. Бугун бизнинг армиямиз ғурурли ва мард фарзандлардан ташкил топган. Улар ўз Ватани учун, ота-онаси, халқи учун ҳатто жон фидо қилишга шайдир.

*Мақсуда ҚОРАБОЕВА,
Термиз педагогика коллежи ўқувчиси*



"ЮРТ ХАЁЛИ, КЕТМАЙ ТУР..."

Ватан. Ватан туйғуси. Ватан муҳаббати. Нимадир булар? Булар қандай сеҳрли қудратки, ҳали вояга етмаган, дунё кўрмаган, турмушнинг паст-баландларидан беҳабар, ўйину шўхликлардан ўзга дарди йўқ бир ўсмирнинг юрагига жо бўлиб, бутун умр унинг хатти-ҳаракатини, юриш-туришини бошқариб туради.

Ватан — табаррук маскан, аждодлардан авлодларга буюк меросдир. Ватан — шу заминда бўй кўрсатган гиёҳдан тортиб, унинг дарёю сойлари ва тоғу тошларигача, оддий ва камтар, меҳнаткаш ва фидойи, мард ва паҳлавон одамларидан то энг митти жониворларигача, ўзимиз туғилиб, униб-ўсган макон билан боғлиқ бўлган барча нарсалардир. Ватанимиз тупроғидаги оддий хас ҳам, оддий тош ҳам бизга муқаддас бўлиб туюлади. Ватанга муҳаббат онага муҳаббат каби муқаддас ва юксак туйғу. Онага муҳаббатнинг шундай ўзига хослиги борки, одам бу туйғуси ҳақида оламга жар солиб айтмайди. Лекин ҳар куни онасига ғам-хўрлиги, меҳрибонлигини иши билан, гап-сўзлари билан амалда намоён қилади. Ватан муҳаббати ҳам шундай. У ҳаммага кўз-кўз қилинмайди. Ватанга муҳаббат инсон қалбининг тўрида гард юқтирмай покиза сақланадиган энг нафис, энг инжа бир туйғудир. Ҳеч эътибор берганмисиз, ёш болалар бировнинг уйига меҳмондорчиликка боришса, дарров уйга кетаман, деб хархаша қилишади. Бу уларнинг ўз уйига, қолаверса, Ватанига бўлган болаларча гўзал муҳаббати эмасми?

Кўпчилик олис ўлкаларнинг сўнгсиз мўъжизалари қошида ҳайратга тўлади, аммо ҳеч ким, ҳеч қачон шу мўъжизаларни деб Ватанидан воз кечган эмас. Олис-яқиндаги шаҳарларни бир-бирига қиёслаган одам, шубҳасиз,



аввало уларнинг бой ва улканлигини назарда тутати. Бирок, улар орасидан энг яхшисини танлаш имкони берилганида ақли расо ҳеч бир зот ўз юртидан кечиб, ўзига бошқа шаҳарни раво кўрмаса керак. Аксинча, ҳамма ўз юрти бошқа ўлкалар сингари обод ва фаровон бўлишини истайди ва ҳар қандай вазиятда киндик қони тўкилган ерда яшашни афзал билади.

Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор,
Бир ўлкаки, сал кўрмаса қуёш соғинар...

Ҳа, бизнинг ўлка мана шундай гўзал ва бебаҳо диёр. Инсон фақатгина ўз Ватанида ўзини эркин ҳис қилади. Менимча, инсон орзулари рўёбини фақатгина юрти тинчлигида, фаровонлигида кўриши мумкин. Чунки, қачон юрт тинч-тотув, осмони мусаффо бўлса, шундагина инсон орзуларини рўёбга чиқариши ва юрти учун нимадир қила олиши мумкин. Юртдан олис юриб уни соғинсак, унинг нонтузини, гўзал шаҳар ва қишлоқларини, содда ва камтарин инсонларини ёдга оламиз. Шуларнинг барчаси тимсолида жондан азиз Ватанимизни, Ўзбекистонимизни кўргандек бўламиз. Буларнинг ҳаммаси инсоннинг юрагидаги юртига бўлган меҳр туфайлидир.

Юртимиз тарихи кўҳна ва такрорланмас. Бу буюк тарихни билиш, уни ўрганиш ҳар бир фарзанднинг Ватан олдидаги бурчидир. Широқнинг шижоати, Тўмарис жасорати, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур каби аждодларимизнинг озодлик, адолат йўлидаги курашлари ватанпарварликнинг юксак намунасидир. Улар таянган ҳақиқат — юртнинг мустақиллиги, халқнинг тинчлиги ва осойишталиги эди. Табиатта яқинлик, ҳалол меҳнат қилиб яшаш, меҳр-оқибат, соддалик ва тангилик, мардлик ва фидойилик, ўз ерини севиш халқимизга хос олижаноб фазилатлардан ҳисобланади. Халқимизнинг номини улуғлаган, унинг шону шарафини оширган яна бир фазилат борки, бу унинг ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмаслиги, мағрурлиги ва илм-маърифатга интилиб яшашидир. Абдурауф Фитрат ўзининг "Юрт қайғуси"



насрий шеърида шундай ёзган: "Эй, муқаддас Туронимнинг хаёли, кетмай тур, айрилма. Ёнимда, кўзларимда, юрагимда, виждонимда қол, кетма. Юртим, Туроним, сендан айрилмоқ менинг ўлимим. Сенинг учун ўлмоқ менинг тириклигимдир". Бу сатрларни ўқиб, ўзбек диёри биз учун нақадар азиз эканини ва у ҳеч қачон ўз ғурурини йўқотмаслигини ҳис қилиб, сўнмас ҳаяжонга тўласан киши.

Ўзбек халқи меҳнатқашлик, меҳмондўстлик, мардлик, ориятлилик, ватанпарварлик, саховатпешалик, меҳр-оқибатлилик, мағрурлик фазилатлари билан бошқа халқлардан ажралиб туради. Тарихдан маълумки, ўзбек халқи ҳеч қачон бировга бўйин эгмаган, ўзининг озодлиги йўлида жонини бориचा курашган. Аждодларга муносиб ворис бўлиш, Ватанни рози қилишга интилиш бизнинг бурчимиздир. Ватан розилиги эса аввало, унга муносиб фарзанд бўлиш орқали адо этилади. Усмон Носир "Юрак" шеърида айтганидек:

Итоат эт!
Агар сендан
Ватан рози эмас бўлса,
Ёрил, чақмоққа айлан сен,
Ёрил! Майли тамом ўлсам.

*Ситора ЖЎРАЕВА,
Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологиялари
институти ҳузуридаги академик лицей ўқувчиси*



АСЛ АЖДОДАЛАРНИНГ АСЛ АВЛОДИ

Келинг, аввало, тарихга бир назар ташлайлик. Ўтган кунларни эслайлик. Биз ким эдик? Худди эртакка ўхшайди. Ажойиб бир манзара. Қуёш чарақлаган, ям-яшил майсалар унган, осмон мусаффо, ариқлардан шилдираб тиниқ булоқ суви оқмоқда. Қушлар сайраган, дарахтларда мевалар фарқ пишган... Бир пайт нима бўлдию осмонни булут қоплаб, қуёшнинг нурини беркитди, қаттиқ чақмоқ чақиб, жала қуйди, бирдан кучли шамол турдию дарахтлардаги мевалар ер билан яксон бўлди. Ариқлар лойқа сув билан лиммо-лим тўлди. Атрофда одамни ваҳимага соладиган турли хил овозлар. Қанчалар даҳшат-а? Ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ҳодиса. Ўзбек халқи ҳам мана шундай воқеани бошидан кечирди. Чиндан ҳам, бу бизнинг ўтган кунларимиз, аянчли тарихимиз. Шўролар ҳукумати бизни эркимиздан жудо қилгани камлик қилгандай, тилимиздан, динимиздан, анъаналаримиздан, моддий меросимиз етмагандек маънавий меросимиздан ҳам маҳрум этди. Халқимиз ардоқлаган Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Чўлпон, Фитрат каби адибларимиз Ватанни обод ва озод этиш йўлида эрта сўндилар.

Буларнинг барчаси ғуруримизнинг топталиши эмасми?! Яратганга шукурки, эрку ғуруримизни 1991 йил 31 август куни Президентимиз Ислоҳ Каримов туфайли қайтиб олдик. Ўзбекистон қайта оёққа турди. Бошимиз устидаги қора кўланка парчalandи. Биз давлат рамзларига эга бўлдик. Бугун эса дунёга машҳур давлатлар билан бирга қадам ташламоқдамиз. Ариқларимизда яна тоза ва тиниқ сув оқа бошлади. Энди бемалол денгизу уммонларга бориб кўшилиши мумкин.

Бироқ, кўп ўтмай душманлар яна бизнинг юртимизга эга чиқмоқчи бўлдилар. 16 февраль, Андижон воқеалари-



ни ёдга олинг-а! Улар яна бизнинг қалбимизга қўрқув солмоқчи, фуруримизни яна поймол қилмоқчи бўлдилар. Лекин халқимизнинг шерюрак ўғлонлари кўксини қалқон қилиб Ватанни ғаламислардан қутқардилар.

Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ эканлигига яна бир карра амин бўлдик. Биз асл кимлигимизни англадик. Амир Темур босқинчи эмас, бизнинг буюк бобокалонимиз, бунёдкор, адолатпарвар шахс ва довиюрак саркарда, Алишер Навоий бобомиз сўз мулкининг султони, ўзбек халқини "Хамса" достони билан дунёга танитган мутафаккир эканини, бизга Ватан соғинчини ўз ҳаётидан келиб чиқиб тушунтириб берган, ўзга элни обод қилиб довуғ қозонган шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур, юлдузлар ҳақида талайгина маълумот қолдирган Мирзо Улуғбек, тиббиёт илмига асос солган, жаҳонга машҳур табиб Абу Али ибн Сино ва ал-Беруний, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, ат-Термизий каби кўплаб аждодларимиз аслида ким бўлганлигини англадик. Биз мана шу боболарнинг наслимиз, уларнинг ворисларимиз. Улар орзу қилган, Қодирийу Чўлпонларга армон бўлган ҳаётга биз етишдик. Уларнинг руҳи шод бўлиши учун мустақиллигимизни умрбод асрайлик. Фуруримизни қайта поймол қилишларига йўл қўймайлик.

*Назокат МИРСАЛИКОВА,
Чирчиқ тиббиёт коллежи ўқувчиси*





ҚОРАЧИҚДАЙ АСРАЙМИЗ, ДИЁР!

Биз шу азиз гунёда нафақат фарзандларимиз, балки неварачевараларимиз, йироқ-йироқ авлодларимиз ҳам тинч-омон, фаровон, бахт-саодатли, маърифий ҳаёт кечирешини, "Ўзбекистон" геган юрт, "Ўзбек" геган ном гунё тургунча туришини устаймиз.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистоним такрори йўқ, азиз Ватаним! Юртим, сенинг боғ-қирларинг ҳақида кўнглимда борини ёритмоқ истасам оқ қоғозлар тўлгандан-тўлаверади. Умрим тугаб борар, ўша оқ қоғозлар ҳам, қоғозларни қораловчи қалам кони ҳам тугар, аммо... аммо сен ҳақингдаги мадҳ тугамайди.

Ватан туйғуси ҳақида сўз борар экан, ўзим мисолимда, тенгқурларим ва дўстларим даврасидаги фикримиздан келиб чиққан ҳолда, иккиланмай, шундай дея оламан: "Биз ота-боболари буюк ўтган ўзбек фарзандларимиз. Биз улардан ҳам буюкроқ бўлмоғимиз шартдир. Ватанимиз саждагоҳимиз, каъбамиз кабидир. Бу азиз маконни кўз қорачигимиздай асрайлик, токи ёвуз ниятли фанимларимиз бизнинг қанчалик қудратлилигимизни кўриб, фанимимиз бўлишни ўйлаб кўришга ҳам жазм эта олмасинлар". Шундай бўлади ҳам!

*Ирода БОБОНАЗАРОВА,
Қарши иқтисодиёт коллежи ўқувчиси*



"ТОҒЛАРДАН ВАТАННИ СЕВИШНИ ЎРГАНДИМ"

*Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси биз учун
сажгагоҳдай муқаддасдир...*

Ислом КАРИМОВ

Мен ҳар куни эрта туриб уйимиздан кўриниб турадиган тоғларга қарайман. Улар ўз салобати, мағрурлиги ва сўзсиз туриши билан ниманидир уқтираётгандек туюлади. Менинг норасида онгим, шуурим, қалбим уларни илғаб олишга олади-ю, аммо у айнан нима эканлигини тушунтириб бера олмайман. Биламан, у асрий орзу ва армонларни бағрига ютган. Фамлардан сочлари оқарган. Не сир-синоатларни кўрган кекса тоғ. Миллион йиллик тарихларга гувоҳ тоғ.

Бу тоғ бағрида қачонлардир бир қабила яшаган экан. Улар тоғ арслонидек абжир, бургутдек мағрур, шердек кучли экан. Қўшни қабила уларга ҳасад билан қарар ва ерини босиб олишга пайт пойлаб ётар экан. Шундай кун келибди. Душман рафлатда ётган қабила ҳудудига бостириб кирибди. Қон дарё бўлиб оқибди. Ватан, юрт, озодлик учун аёвсиз жанг кетибди. Қаҳрамон жангчилар мўр-малаҳдай бостириб келаётган душманга қарши курашиб, остонада қонга беланиб жон бера бошлабдилар.

Уларнинг ўринларини ўғиллари эгаллабди. Улар ҳам олиша-олиша жон таслим қилишибди. Душман эса тугамас, худди осмондан ёғилаётгандек бостириб келаверибди. Навбат аёлларга келибди. Улар ҳам қўлларида қилич билан қурбон бўлишибди. Қаттол душман ҳаммани қиличдан ўтказибди. Душман сардори агар бирор норасида гўдак қолса, кун келиб, қасос олишидан кўрқиб, ҳеч кимни тирик қўймасликни буюрибди. Кўзлари қонга тўлган душманлар ёввойи қашқирдек бир тирик жон топиш ва уни ҳам ўлдириш мақсадида ҳамма ёқда изғир экан. Одамзоднинг бу қадар вахшийликларидан кўк фарёд чекар, ўрмон

қўрққанидан жимгина йиғлар экан. Ҳатто, отлар, кийиклар, бўрилар ҳам кўз ёш тўкишибди.

Шунда ажиб ҳол юз берибди. Қаердандир пайдо бўлган бўз бўри бешикка боғланган ўғил болани топиб олибдида, уни олиб қочибди. Душман унинг ортидан роса қувибди. Аммо тоғ ўрмонида туғилган бўрига ҳеч ким ета олмабди. Оллоҳнинг қудратини қарангки, шу бола талотўпдан омон қолибди. Бўри болани узоқ-узоқларга, жануб томонларга, душман қадами етмас жойга олиб кетибди. Бола катта бўлибди. Оила қуриб, фарзандлар кўрибди.

Улар ўзларини Ашино уруғидан деб билишар экан. Яъни "Тангри бўри" авлодидан деб бўрини хотирлашар экан. Улар шу қадар жасоратли, қўрқмас, мард, фидойи, ватанпарвар, шунинг билан бирга, оққўнгил, самимий эканларки, уларга "турк" деб ном беришибди. Улар тоғни Тангри деб билишар экан. Шундан бери бу тоғларга душман кела олмас, ганим ўтолмас экан...

Мен тоғлардан Ватанни севишни ўргандим.

Мен тоғларга тикилиб шуларни англайман. Бу тоғлар бизга Ватан. Бизга ризқ ва куч берадиган илоҳий неъмат. Она бўридан мерос ер, макон. Биз уни севишимиз, одамларига меҳрли бўлишимиз, унинг ҳар бир қаричини кўз қорачиғидек асрашимиз лозим. У менга шуни уқтирар эди. Бунини мен энди билдим. Билдим, мунчоқ кўзларимда илинж ёнди. Тушларимга кирган, ҳар тонг мени кутган бу тоғлар бизга Ватан. Ўзбекнинг ғурури қадар юксак Ватан эканлигини англайман.

Билдимки, улар ҳам қора кўз қўшнилари, маҳалладошларим, ватандошларим каби менга азиз.

Билдимки, бир умр тер тўкиб, меҳнат қилиб, элни боққан қўшнимиз Муқим амаки каби истарали, бағрикенг, кўп тарихий воқеаларга гувоҳ. Қарангки, Муқим амаки ҳам кичик, лекин мустаҳкам қояга ўхшайди. Йўқ, йўқ адашдим! Қояга менгзасам, ҳаққим кетади! У ҳам улкан тоғ. Ҳар тонгда турсам, у ҳам маҳалламиз бошидаги майдончада ҳассасига суяниб, ҳаммани кузатиб туради. Ҳар ким ҳам унга эътибор беравермайди. У эса ҳаммани кузатади. Кимга нима кераклигини билади. Ҳаммага ёрдам беради.



Лекин бирор марта миннат қилганини билмайсан киши. Катталарнинг деярли ҳаммаси унинг гапига киради. Мен бобомнинг "Муқим у деди, Муқим бу деди", деб фахр билан сўзлаганини кўп эшитганман. Биринчи бор мақолам газетада босилганда ҳам шу Муқим амаки менга ҳавас билан боқиб, "баракалла" деган. Кўнглим тоғдек кўтарилган.

Коллежимга борар эканман, узоқдан яшил бинони кўриб, дилимда кўтаринкилик, ифтихор, фахр туйғулари уйғонди. Хаёлимга коллежнинг очилиш тантанаси келди. Ўшанда мен ҳали мактабда ўқирдим. Барча қизлар қатори мен ҳам тантанани томоша қилгани борганман. Қаранг, ўшанда ҳам Муқим амаки вилоятдан келган вақилнинг олдида савлат тўкиб турганди. Ўшанда мен унинг биринчи марта кулганини, сўзга чиқиб, титроқ овозда гапирганини кўрдим.

— Қадрли болаларим, Сизлар энг улуғ ва озод Ватанда яшаяпсизлар. Унинг қадрига етинг. Унга муносиб бўлинг. Бизга бугунги кунни омонат топширган ота-боболаримиз ҳаққи, уни ўзларингизга яна ҳам яшнаган, гуллаган қилиб қолдирайлик.

Унинг овози қалтираб, бўғзига нимадир тиқилгандек бўлди. Кўзига ёш ҳам келди, шекилли, қўллари билан кўзини артиб олди. Шунда билдимки, тоғлар ҳам йиғлайди.

Билдимки, шундай озод ва обод даврда яшаб, авлодларга қандай яшаш кераклигини ўргатиш керак экан. Буни менга тоғлар ўргатди. Чунки, мен ҳар тонг уйғониб тиниқ, мусаффо ҳавода нафас оларканман, пок ниятли, оқкўнги кишиларни кўраман. Яна ҳам аввалроқ улкан Ватанимизни ёмон кўздан асрагандек, уни қуршаб турган тоғларга боқаман. Улар менга "Ватан буюк, унинг шаъни, ғурури эса мендан ҳам улуғ", деб уқтирарди.

Мен Ўзбекистоннинг фарзанди эканимдан фахрланаман.

*Ирода ФОЗИЛОВА,
Фаргона тиббиёт коллежи ўқувчиси*



ВАТАНПАРВАРЛИККА ЧОРЛАР ЎТМИШ, КЕЛАЖАК

Биз ўз истеъдодли, фидоий фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиш учун қанот берганимиз керак.

Ислом КАРИМОВ

Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбида табиий равишда туғилади. Яъни, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, юртга, унинг тарихига бўлган қизиқиши ва муҳаббати ҳам шу қадар чексиз бўлади.

Тарихимизга бир бор назар ташласак, унда Ўзбекистонимизни шундай озод ва фаровон кўриш умидида жон фидо қилган, қанчадан-қанча машаққатли ва синовли йўлларни босиб ўтган буюк аждодларимиз, зиёлиларимиз кўз олдимизда гавдаланади.

Ҳозирги эркин ва фаровон ҳаётга, озодликка эришиш осон кечмаганлигига яна бир бор амин бўламиз. Мустақил бўлгач буюк аждодларимиз, зиёли ва мутафаккирларимиз орзу қилган ўша жамият сари қадам ташлаганимиз бизга бир олам ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Дарҳақиқат, фидокорона меҳнат билан ўтган бу йиллар давомида биз қаддимизни ростладик. Халқимизнинг кўҳна тарихи, бой мероси, удум ва қадриятлари қайта тикланди. Энг асосийси, ўзбек халқи ўзлигини англаб етди.

Айниқса, мустамлакачилик йилларида вайрон бўлган, кўримсиз ҳолатга келиб қолган муқаддас қадамжоларнинг қайта тикланиши ўзбекнинг тарихини уйғотди.

Бу табаррук маскан неча-неча буюк инсонларга бешик бўлган, уларни ўзининг ҳаётбахш қўшиғи-ла аллалаган. Бизнинг Ватан бутун дунё тан олган алломалар замини.

Улар биз ёшлар учун ҳаёт мактабини яратиб кетганлар.

Широқнинг ўз Ватанини ёвлар зулмидан озод этиш учун жон фидо этгани, Тўмарис жасорати, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби аждодларимиз ибрати бизни ватанпарварликка, жасурликка чорласа, Алишер Навоий ғазаллари, Бобур ва Улугбек сингари буюк инсонларнинг бой маънавий мероси бизни комилликка, маърифатга ундайди. Маърифатпарвар зиёлилар — Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Авлоний каби қалбида Ватанга муҳаббат туйғуси жўш урган ватанпарвар боболаримиз ўзларининг ибратли ҳаёт йўллари билан бизларга ўрнақдирлар.

Биз яшаб турган мана шу тупроқда улар ҳам яшаб, ўзларининг бой меросларини қолдирганликларидан ва биз ана шундай буюкларига эга авлод бўлганимиздан фахрланамиз. Келажақда ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб етишиб, уларга муносиб ворис бўлишга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун республикамызда Президентимиз томонидан яратиб берилган улкан имкониятлар мавжуд. Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни Ватанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялашни муқаддас вазифа деб билган Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ёшларни ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом шахслар қилиб етиштириш мақсадида янги-янги ўқув юртлари, замонавий жиҳозлар билан таъминланган мактаб ва лицейлар қад кўтармоқда.

Энди ёшларнинг вазифаси бу имкониятлардан фойдаланиб, келажақда мустақил Ўзбекистоннинг буюк давлатлар сафидан ўрин олишида ўз билими, иқтидори, матонатлари билан ҳисса қўша оладиган комил инсонлар бўлиб етишишдир.

*Мактуба ТОШПЎЛАТОВА,
Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги
258-мактабнинг 11-“Б” синф ўқувчиси*



УЛУҒЛАРГА МУНОСИБ ИЗДОШ БЎЛАМИЗ

Инсоннинг жисмида камчилик бўлса, унинг руҳиятига, руҳиятидаги камчилик албатта, жисмига салбий таъсир этади. Шунинг учун ота-боболаримиз дуога қўл очганларида "Тану жонинг соғ бўлсин", дея тилак билдирадilar. Бу, танинг ҳам, руҳинг ҳам саломат бўлсин, деганидир.

Албатта, соғлом фарзанд — жамиятнинг бебаҳо бойлигидир, чунки инсон соғлом бўлсагина ўз истеъдоди, ақли ва ғайрати билан Ватанига, халқига, умуман, жамиятга хизмат қила олади. Шу боис ҳам, ўз келажагини ўйлаган ҳар бир жамият ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний камолоти ҳақида қайғуради. Бунга жавобан ҳар бир инсон ўз тақдир ҳақида ўйлаб, руҳий ва жисмоний тарбияни турмуш тарзига айлантириши, комил инсон бўлиши зарур. Президентимиз айтганларидек, "Ҳар томонлама соғлом авлодга эга бўлган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди".

Дарҳақиқат, қандай ёвуз, қора кучлар бўлмасин, бизнинг келажаги буюк юртимизга раҳна сололмайди, билимли, эътиқодли, иймони бут ўзбекнинг қаддини бука олмайди. Чунки бизга буюк аждодларимиз — қуликни ҳақорат, хурликни неъмат билган Тўмарис ёвга омон бермай, Чингизга армон бўлган Жалолиддин, куч-қудратда тенгсиз соҳибқирон Амир Темур руҳлари мададкор бўлиб туради. Шунинг учун ҳам Ватан деб жонини қалқон қилган ботирлар Мустақил Ватанимга узатилган қора панжаларни шарт узиб, Жалолиддинлар ҳали ҳам ҳаёт эканини исботладилар, азиз жонларини Ватан учун садқа қилдилар.

Дунё ўзбек фарзандларининг мард, ватанпарвар эканлиги бир эмас, юз карра тан берди, чунки бокс, шахмат, кураш бўйича оламни лол қолдирган чемпионлар, дунё-

нинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшлар бунга яна бир бора ишботладилар.

Мен ҳам Ватанимнинг гуллаб-яшнаши, ривожланиши учун ўз ҳиссамни қўшсам, дейман. Оллоҳнинг назари тушган шу юртнинг муносиб фарзанди бўлиш учун қўлимдан келганча ҳаракат қиламан. Аъло ўқишни, маънавиятли, маданиятли, жамиятга фойда келтирадиган комил инсон бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Ватаним тақдирини ўз тақдирим билиб, унга хизмат қила олсам, қайсидир корига ярай олсам, мендан бахтли одам йўқ. Бунинг учун ҳали қанча меҳнат қилишим кераклигини ҳам билман ва бунда менга Президентимизнинг ушбу гаплари мадад ва умид бахш этади:

“Биз ўз истеъдодли, фидойи фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиш учун қанот беришимиз керак”.

Мен шу Ватанга содиқ бўлишга, аждодларимга муносиб издош бўлишга ҳаракат қиламан.

*Раҳима ИБОДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилояти Урганч туманидаги
1-мактабнинг 7-“А” синф ўқувчиси*



ТАЪРИФЛАШГА ТОПИЛМАЙДИ СЎЗ

*Ватанни сев, тупроғини ўл,
Ҳар қаричи муқаддас бизга,
Чўлидаги ҳатто қуруқ чўп
Жондан азиз юрагимизга.*

ОЙБЕК

Ватан — бу фахрланиш демақдир. Яъниким, ҳар бир инсон ўз Ватани билан фахрланади, унинг тараққиёти, равнақи, ривож топишини кўриб, кўзи қувнайди. Шунингдек, Ватан учун ёниб-куйиб меҳнат қилади, шу Ватан деб яшайди. Керак бўлса, шу Ватанга жонини фидо қилади. Бундай жонкуяр, саховатпеша инсонлар билан ҳар қанча фахрлансак, ҳар қанча ғурурланиб, мақтаниб гапирсак, арзийди. Бизлар ҳам шундай чин ватанпарвар инсон бўлиб, ўз Ватанимизни жон-танзимиз билан асрайлик.

Биз туғилиб ўсган, киндик қонимиз тўкилган, гўзал ва бой диёр Ўзбекистондир. Ватанимда диққатга сазовор жойлар жуда кўп. Айниқса, гўзал Ватанимизнинг бетакрор шаҳарларидан бири бўлган пойтахтимиз Тошкент кўп қаватли биноларию муҳташам саройлари билан бошқа шаҳарлардан ажралиб туради. Бундан ташқари, гуллар шаҳри бўлган Наманган, тарихий обидаларга бой Хива, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари ҳам дунё ҳавас қиладиган гўшалардир. Ватанимни қанча гапирсам, гўзалликларини мақтасам, қанча мадҳини куйласам ҳам оз. Чунки Ватанимга бўлган ҳисларим, унга бўлган садоқатим, меҳрим чексиз, ҳисларимни таърифлашга сўз тополмайман. Уни бир сўз билан тушунтириш қийин...

Эҳ-ҳе, Ватанимда қанча шоиру шоиралар, ёзувчи-адиблар яшаб ижод этмаган дейсиз! Улар ёзган асарлар қалбимизни нурга, кўнглимизни қувончга тўлдиради. Аждодларимиз мустақилликка эришиш учун қанча азоб чеқдилар. Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий каби ватанпарвар

инсонлар "халқ душмани" деган тухмат билан қатагон қилинди. Лекин, уларнинг руҳи, шижоати, қиёфаси қалбимизда яшайди. Шунинг учун улар кучимизга куч, қувватимизга қувват қўшади.

Қаранг, юртимизда қанча мактаблар, коллеж, лицей, институт, университет ва кутубхоналар қурилди. Бундай шарт-шароитларни Президентимиз Ислон Каримов яратиб бердилар. Бунинг учун улардан ҳам миннатдоримиз, ҳам қарздоримиз. Биз бу қарзимизни фақат яхши ўқиб, олға интилиб узишимиз мумкин. Ватанимиз келажаги ёш авлод қўлида. Шунинг учун барчанинг эътибори ёшлар тақдирида. Ёшлар жуда кўп билим ва кўникмалар эгаллаши лозим.

Ватан оиладан, остонадан бошланар экан, биз туғилган оила, маҳалла, шаҳар ёки қишлоқ ҳам — бу Ватан. Уларни қай даражада севишимиз Ватанни қай даражада севишимиздан далолатдир.

Мен халқимиз, миллатимиз ва миллий қадриятларимизга нисбатан фарзандлик ифтихоримни намоён этиш билан бирга аждодларимиз каби улуғ, етук инсон бўлиб, одамларга бирон-бир соҳада ёрдамим тегса, Ватанимга сидқидилдан хизмат қилсам, чексиз бахтиёр бўлар эдим.

Ҳаммага ҳам Ватан хизматида бўлиш, унинг ардоғида бўлиш насиб этавермайди. Шунинг учун Ватанимизнинг бизга берган ишончини суистеъмол қилмай, ҳамиша Ватаннинг бизга бўлган ишончини оқлаб, ривожланишига ўз ҳиссамизни қўшайлик.

Менинг орзу-умидларим бисёр бўлгани сабабли, битта ижодий иншо камлик қилади. Балки, Ватаним ҳақида келажакда катта дoston ёзарман. Ахир орзуга айб йўқ, дейдилар-ку! Мен аввало, бир нарсадан — беғубор осмонимиз, меҳрибон, дилкаш, ғамхўр Юртбошимиз борлигидан қувонаман. Шу туйғу мени фаол яшашга ундайди. Ҳаётга бўлган иштиёқимни кучайтиради. Келажакда фойдали ишларга қўл уриб, бошқаларга ўрнак бўлишга ҳаракат қиламан.

Ойгул ХАЛМУРАТОВА,

Қорақалпоғистон Республикаси

Тўрткўл туманидаги 30-мактабнинг 7-"А" синф ўқувчиси

“ЎЛСАМ, АЙРИЛМАСМАН ҚУЧОҚЛАРИНГДАН...”


*Ватан — она сўзи нақадар лазиз,
Сенсан ҳар нарсаган мўътабар, азиз.
Ҳурматингни сақлар ҳар бир ўғил-қиз,
Муқаддас, мўътабар, улуғ Ватаним,
Ўлсам, айрилмасман қучоқларингдан.*

УЙҒУН

Аждодлардан авлодларга ўтадиган ягона қадрли мерос бу Ватандир. Ўз Ватанига хиёнат қилганлар эса аждодлар руҳини чирқиратган, болаларнинг келажагига болта урган бадбахт одамлар ҳисобланади. Ватан қанчадан-қанча одамларни ўз бағрида ўстиради, вояга етказди, ҳаёт мактабида дарс беради. Юртбошимиз “Ватан учун куйиб, ёниб ва, керак бўлса, жонни фидо қилиб яшаш керак” деб бежиз айтмаганлар. Ватанимизнинг бошқа давлатлардан фарқи келажаги бўлган болалари, ёшларига эътиборида кўринади.

Ҳозирги кунда энг катта эътиборнинг ёшларга қаратилаётганлиги алоҳида эътироф этишга молик. Келажақда бу эътиборни оқлаш эса биз ёшларнинг энг катта ва масъулиятли бурчларимиздан биридир. Бунинг учун эса, авваламбор, яхши ўқишимиз керак. Чунки ҳозирги замон технологияси талабларига мос ва хос фикрлар, ташаббуслар ёшлардан келиб чиқади. Эртанги кунимиз, бугунимиз, шон-шухратимиз ёшларнинг қўлида эканлиги ҳаммамизга кундай равшан. Биз юртимизни, халқимизни жуда севамиз. Менинг ҳам дилимда оддий ва тўғри ақидалар мустаҳкам. Улар: “Ўзбекистон — келажаги буюк давлат”, “Ўзбекистон — Ватаним менинг”. Ватан — саждагоҳ, Ватан — киндик қонимиз тўкилган замин. Ватан — қалб туйғуларимиз жо бўлган маскан. Ягона ва бетакрор ҳамда меҳрибон гўша.

Ватанга муҳаббат туйғусини она алласи парвариш этади, вояга етказди. Инсон ўз Ватанида камол топади, қадрланади, ҳурмат-эҳтиром, эъзоз, иззатга етишади.



Ватанимиз ҳақида гап кетганда, Самарқанд, Бухоро, Хива каби кўҳна шаҳарларни, Регистон, Арк, Оқсарой каби меъморий ёдгорликларни, Амударё ва Сирдарёни, ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Хоразмий каби номлари билан бутун дунёга танилган алломаларимизни эсга оламиз. Ватанимизни шу аجدодлар руҳи кўллайди.

*Зулайхо ЕШМУРОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
Қўнғирот туманидаги
53-мактабнинг 8-"В" синф ўқувчиси*





РАВНАҚ — ЖИПСЛИҚДА

Мен Ўзбекистонда туғилганимдан, шу Ватанда ўсаётганимдан, буюк ота-боболаримиз авлоди эканимдан бошим кўкка етади. Инсон ўзини ҳурмат қилса, демак, халқини, авлодини, миллатини ҳурмат қилган бўлади. Мустақиллигимиз туфайли ўз тилимизга эга бўлдик. Ўз миллатимизни қандай авайласак, миллатимиз бойлиги бўлмиш — ўзбек тилимизни ҳам шундай асрашимиз керак.

Энди англаяпмиз, Мустақиллик равнақи бу миллатнинг жипслиги билан боғлиқ экан. Ҳар ким ўз ишининг устаси бўлсагина, ўз вазифасини сидқидилдан бажарсагина, елкасидаги масъулиятини чуқур ҳис қилсагина, бажараётган юмушининг кўлами қай даражадалигидан қатъи назар, мустақилликнинг чинакам ҳимоячисига айланади.

Ҳукуматимиз бизга шу қадар қулайликлар яратган экан, бизлар жавоб тариқасида халқимизга хизмат қиладиган, юртимиз учун жон фидо этадиган асл фарзандлар бўлишимиз лозим. Биз ёшлар Юртбошимизга елкадош бўлиб, юртимизни гуллаиб-яшнатишда ёрдам беришимиз зарур.

*Айниса МАРДОНОВА,
Жиззах транспорт,
алоқа касб-ҳунар коллежи ўқувчиси*



ҚАДРЛАШ ВА ҚАДРЛАНИШ НАСИБ ЭТСИН!

Биз она Ватанимиз ҳақида ўйлар эканмиз, қалбимиз тубида аввало шукроналик туйғуси уйғонади. Инсон учун онаси берган оқ сутни оқлаш қанчалик фарз бўлса, ўз халқи олдидаги қарзни узиш, унга ҳалол хизмат қилиш, керак бўлганда, унинг шаъни-шарафи, ор-номуси учун жонини қурбон қилиш ҳам шунчалик фарздир.

Ўзбекистоннинг ғурури тоғлардан баланд, қалби оташ инсонлари уммондан кўп. Ширин-ширин мевалари дардларга дармон, қарилари пари каби уйларнинг тўрида, гўдаклари, фарзандлари қалбларнинг қўрида, забардаст, шерюрак ўғлонлари бор. Уларнинг барчасини Ватан ўз қўйнига олиб, она каби эркалаб авайлайди. Яхшини ҳам, ёмонни ҳам бирдек суйган Ватаним. Сенга фидо менинг бор жону таним. Барча мамлакатларда бўлгани каби бизда ҳам келажакка интилиш катта. Асака шаҳрида замонавий машиналар ишлаб чиқарилмоқда. Бу машиналар кўчаларимизга чирой бермоқда. Юртимизнинг барча гўшаларида қурилиш ишлари авж олган. Турли ўқув масканлари, шифохоналар ишга туширилмоқда. Юртнинг жамолига тўймайсан киши.

"Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз". Бу сўзларни ҳеч қачон унутмаймиз.

Сўзимни яқунлар эканман, ҳар бир инсондан Ватанини қадрлашни ва Ватан учун қадрли бўлишни тилаб қоламан.

*Магина ОБИДЖОНОВА,
Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги
15-мактабнинг 7-"В" синф ўқувчиси*




ҲАЁТ МАЗМУНИ

Биз аввало Оллоҳ таоло қалбимизга ато этган илоҳий муҳаббат — туғилиб ўсган шаҳримиз ёки қишлоғимизга, она юртимиз гўзал Ўзбекистонга бўлган меҳр ва садоқат туйғусини пок сақлашимиз лозим. Инсон баъзан ўз тақдирдан, кундалик ҳаётдан норози бўлиши мумкин, лекин у ўз Ватанидан хафа бўлиши, кимгадир зарда қилиб, қандайдир алам билан, эл-юртига нисбатан хиёнат йўлига ўтишини мутлақо ғайриинсоний, ғайритабiiй ҳолат, деб биламан. Биз бежизга Ватанимизни яхши кўрмаймиз. Чунки биз шу ерда туғилиб, шу ерда киндик қонимиз тўкилган. Унинг қадр-қимматини теран англаш учун биринчи галда юртимизнинг бой ва қадимий тарихини, унинг иқтисоди, сиёсати, маданияти, асрлар давомида шу ерни гулла-тиб-яшнатиб келаётган халқимизнинг урф-одатлари, маросимлари, турмуш тарзи ва қадриятларини яхши билишимиз зарур. Ватаннинг моҳиятини тўла идрок этиш учун ундан айрилиш шарт эмас, балки инсоннинг қалби, виждони уйғоқ бўлса, у доимо ҳақиқатнинг моҳиятини билишга интилиб яшаса, кифоя. Чунки фақат анланган, маъноси тушунилган нарса ёки ҳодисагина қадр-қиммат касб этади. Одамзотга қалб, ҳис-туйғу, ақл-идрок ва тафаккур шунинг учун берилган.

Ватан туйғусини қалбан идрок этиш, шу туйғу билан яшаш инсон ҳаётига маъно-мазмун бағишлайди, уни камолот сари етаклайди ва бундай одам ҳаётнинг мураккаб сўқмоқларида адашмайди, ўз халқининг мард ва фидойи фарзанди бўлиб вояга етади. Энг муҳими, бундай инсондан унинг ўзи ҳам, эл-юрт ҳам наф кўради.

Кўп инсонлар Ватан ҳақида кўп яхши гапларни айтишади ҳам, ёзишади ҳам. Лекин, бир нарсани унутиб



қўямиз. Аввало, шунча гапларни айтдим-у, шунча гапларни ёздим, аммо менинг ўзим шуларга амал қиляпманми ёки йўқми, деб ўйлаб кўрмаймиз. Ахир ҳамма гап амалда бўлиши лозим-ку! Шундагина Ўзбекистон гуллаб-яшнайдди. Президентимиз: "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз", деб бежиз айтмаганлар. Зеро, отабоболаримиз биздан аввал не-не кунларни бошларидан ўтказмадилар. Энди мустақилликка етай-етай деганда, бу дунёни тарк этганлар ҳам топилади. Улар бизга буюк меросни қолдириб кетишди. Биз эса шу меросни кўз қорачигимиздек асрашимиз ва бойитишимиз лозим.

Мухлиса МУҲИТОВА,
Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги
114-мактабнинг 9-"Д" синф ўқувчиси



АБАДИЙЛИК ҚОНУНИ

Инсон ўзини озод ва обод Ватандагина бахтли ҳис қилиши мумкин. Бу хусусида буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий шундай деганлар: Ватан таркини бир нафас айлама, яна ранжу Қурбат ҳавас айлама.


Яшиндай ўтаётган йиллар умр дафтарига нималарни битди-ю, нималарни ўчириб ташлади. Инсон бу битиклардан бирини ўқиб қувонади, бирини ўқиб қайғуради. Мана шундай тақдир битиги қатидан бир қувончли кунни эсга олайлик. 1991 йил 31 август. Миллий озодликка эришилган кун. Озодлик! Нақадар тотли сўз. Бу сўзни чин юракдан баралла айтишни кимлар истамайди, дейсиз. Оллоҳга шукрлар бўлсинким, энди озодмиз, мустақилмиз. Энди мустақил фикр юрита оламиз.

Мустақиллик дарахти ҳамжиҳатлик, ҳамфикрлик, биродарлик сингари мустаҳкам иддизлари билан абадийдир. Энди дунёга туйнукдан мўралаб эмас, балки катта қалб, маънавий жасорат, улкан фикр билан боқиш керак.

Эй, менинг олис-олис қишлоқдаги тенгдошим, айт-чи, ўтаётган йил сенинг умрингда қандай унутилмас бахтли лаҳзаларни муҳрлади, юрагингда қандай қувончлар қолдираяпти?

Мана, неча асрлар, ойлар, дақиқалар ортда қолди. Ҳаёт давом этаяпти. Демак, кундан-кунга дунё ўзгариб бораёпти. Бунинг исботини юртимизда кўришимиз мумкин. Бизнинг юртимизда ҳам қанчадан-қанча иншоотлар, боғу роғлар, банклар, заводлар, билим масканлари, шифохоналар барпо этилмоқда.

Юртимизда қад ростлаб турган тарихий, меъморий обидаларимиз кўзни қувонтирадиган даражада қайта сайқал топмоқда. Биз аждодларимиз қолдирган ёдгорликларни



жуда қадраймиз. Уларни асраб-авайлаб, биздан кейинги авлод учун тақдим этамиз.

Президентимиз биз ёшларга алоҳида эътибор бериб, бизларга илм олиб, чуқур билимга эга бўлишимиз, бошқа миллат ёшларидан кам бўлмаслигимиз учун кенг имкониятлар яратиб бердилар. Бунга мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Талабалар шаҳарчасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари бунинг ёрқин намунаси дир. Шахсан ўзим Зулфия номидаги Давлат мукофоти номзоди бўлдим. 2005 йилда "Келажак овози" мега-танловининг республика босқичида иштирок этиб, сертификат олиб қайтдим. У ерда "Тасвирий ва амалий санъат" йўналишида иштирок этдим. Оллоҳдан шу кунларни менга насиб қилганидан умрбод миннатдорман...

*Зулфия ТЎРАЕВА,
Бухоро вилояти Когон туманидаги
5-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси*



ВАТАН ҚАДРИ ВА ОЗОДЛИК ТУШУНЧАСИ

Бир саройда подшоҳ ва малика яшар экан. Шоҳ гуларни севар, уларга яхши қарар ва унинг гўзал боғи ҳам бор экан. Кунларнинг бирида подшоҳ боғда сайр қилиб юрса, ажойиб қушчани учратиб қолибди. У жудаям чиройли эканки, шоҳ қушчани тутиб олиб, маликасига совға қилишни хаёлидан ўтказибди. Шунда қушча тилга кириб, "Эй шоҳим, сиздан бир илтимос қилмоқчи эдим, тутқунликдан олдин бир жойга бориб келишимга рухсат беринг", деб ялина бошлабди. Подшоҳ қушчага розилик бериб, аскарлари билан жўнатибди. Улар етти кечаю етти кундуз юришиб, тоғлардан ошиб, дарёдан кечиб охири бир саҳрога келиб тўхташибди. Қушча бир бутанинг ичига кириб кетибди. Аскарлар ҳайрон бўлишиб, уни кузатишибди. У эса тупроқда думалар, йиғлар, она-ота, опа-укаларим, алвидо, деб бақираркан. Бу анча давом этибди. Кейин улар ортга қайтиб, бор гапни подшоҳга айтиб беришибди. Шоҳ ва малика бу гапларни эшитиб, анча йиғлашибди. Қушчага озодлик беришибди.

Наҳотки, биз инсонлар шу қушчалик Ватан қадрига ета олмасак. Агар инсон шу муқаддас туйғуга содиқ бўлса, демак у оиласига, ота-онасига, халқига содиқ бўлиб қолади. Бекорга "Булбул чаманни севар, одам — Ватанни", дейлмаган...

Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг дунёда ўзининг автомобилсозлик саноатига эга бўлган 28 давлатнинг бирига айланди. Ўзбекистонда фойдали қазилмалар ва минерал хом ашё захиралари жуда сероб. У олтин захираси бўйича дунёда тўртинчи ўринда, уни қазиб олиш бўйича эса еттинчи ўринда туради. Ўзбекистоннинг ер ости бойликлари ҳақида гап кетганда, аввало, унинг деҳқончилик



учун қулай бўлган ерлари, дарё ва кўллари, турли ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига эга бўлган тоғларини фахр билан айтиб ўтиш мумкин.

Чўлнинг ўртасида биттагина янтоқ ёки битта бута ўсиб турганини ҳеч кўрганмисиз? Аксинча, уларнинг тўп-тўп бўлиб ўсиб турганини кўрган бўлишингиз мумкин. Одамлар ҳам шунга ўхшайди. Улар якка-ёлғиз ҳолда, алоҳида ажралиб яшамайдилар. Халқлар, миллатлар ҳам шундай — ўзларича ривожлана олмайдилар.

Хуллас, менинг буларни ёзишимдан мақсад шуки, ўзбекистоннинг миллий ғурур-ифтихори юксакларга кўтарилиши учун биз ёшларга берилаётган имкониятлардан фойдалана оlishимиз, юксак ютуқларга эришишимиз зарур. Зеро, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз.

*Ўғилой БОБОБЕКОВА,
Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги
1-мактабнинг 8-“В” синф ўқувчиси*




ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАС АСЛО

Қалдирғоч ҳам ўз инини ўзи суяр,
Ҳар жонзотга бошпанаси эрур азиз.
Ватан асли қароқларинг нури бўлар,
Ватан дилни қувончларга чулғаган ҳис.
Юрти учун қалби фидо, жони фидо,
Ўзбек халқи ҳеч кимдан кам бўлмас асло.

Мурувватни, садоқатни шиор қилиб,
Иккиланмай олға қараб юрган халқ бу.
Не-не улуғ ишга ўзин шердек чоғлаб,
Катта нурли йўл бошида турган халқ бу.
Юрти учун қалби фидо, жони фидо,
Ўзбек халқи ҳеч кимдан кам бўлмас асло.

Мотуридий, Фаззолийлар ҳикматини,
Жон-жонига жавҳар каби жойлаган эл.
Саодатли манзилларни бунёд этиб,
Бунёдкорлик аҳди-ла бел бойлаган эл.
Юрти учун қалби фидо, жони фидо.
Ўзбек халқи ҳеч кимдан кам бўлмас асло.

Оқ олтину қора олтин, дони тўкис,
Самосида кабутарлар бахтли учар.
Оғишмайди ўзи танлаб олган йўлдан,
Қайси ишга киришса ҳам зафар кучар.
Юрти учун қалби фидо, жони фидо,
Ўзбек халқи ҳеч кимдан кам бўлмас асло.



Рустамлари ҳам Муҳаммадқодирлари
Қўрсатади бу қандайин халқлигини.
Қизлари-чи, Зулфияга содиқ издош,
Исбот қилар ҳар соҳада ҳақлигини.
Юрти учун қалби фидо, жони фидо,
Ўзбек халқи ҳеч кимдан кам бўлмас асло.

Юртбошимиз бошлаб борар нурли йўлдан,
Ўзлигингни унутма эй буюк эл, — деб.
Икромжон ҳам қаламини қўймай қўлдан,
Мадҳ этади, омон бўлгил суюк эл, — деб.
Юрти учун қалби фидо, жони фидо,
Ўзбек халқи ҳеч кимдан кам бўлмас асло.

*Икромжон АСЛИЙ,
Анжион давлат университети талабаси*



ОНАМ АЙТГАН АЛЛАДИР, ВАТАН

Умр оқар дарё, вақт югурик. Кечагина юлдузларни қайта-қайта санаб толиққан, қиру адирларда табиатнинг ҳар бир мўъжизаю инъомига ҳайрат кўзи билан боққан мурфак қизча, бугун институтнинг юраги ширин орзуларга лиммо-лим талабасиман. Бугун бировларга армон бўлган орзуларга эриша туриб тупроқлари кўзларимга тўтиё онажоним — Ватан учун кўп эзгуликларни қилмоққа қодирлигимни ўйлаб, шукроналар айтаман. Шу он ёдимга асарлари ила яратиб кетган анвойи чаманзоридан гуллар териб адо этолмаганим ҳазрат Навоий, ҳали Колумб кашф этиб улгурмаган Америкадан илк маълумот бериб Мағрибу Машрикқа овозаи жаҳон бўлган ал-Беруний, асарларини бутун дунё кўзларига тўтиё қилиб ўқийдиган, медицина — мадади Сино илмининг асосчиси Абу Али ибн Сино, номини эшитган ҳамоноқ жаҳоннинг энг сара ботирларини ҳам тиз чўкишга мажбур айлаган Соҳибқирон бобом Амир Темур ва бошқа бир қатор аждодларим тушмоқда.

Шундай буюк аждодларга авлод бўлган мен нима учун бугун буюк ишларни қилолмаслигим керак? Нима учун бутун дунё менга ҳавас кўзи билан боқмаслиги ва боболаримга муносиб фарзанд бўлганим учун шаънимга таҳсинлар ўқимаслиги керак? Шунда оддий ҳақиқатга амин бўламан: ўтмиши буюк юртнинг келажаги ҳам буюк бўлғуси.

Айни шу дамда мен ўзимнинг ҳаёт йўлимни танлаб оламан ва халқим бахти, қолаверса, ўзимнинг бахтим учун курашавераман. Балки кучим етмас. Бу йўлда қоқилишим, тўсиқларга дуч келишим мумкиндир. Аммо мени бир нарса қувонтиради: тўғри ва ўзимга муносиб йўлни танладим. Аждодларимга кўп кўришган бахтга бугун мен эришиб тур-

ган эканман, келажаги буюк юрт фарзанди сифатида ўз мақсадимга етишимга ишонаман.

...Лабларимнинг шивирига оҳиста қулоқ тутаман ва англаганим шу бўлади: Ўзбекистон!

Мунис онам айтган алла наволари бирла томиримда ҳаёт янглиғ оққан, бувижоним айтган эртақлар туфайли жажжи тасаввуримда ғужғон ўйнаган саволларимга бугун жавобим — Ватан!

Онажоним ёпган иссиқ кулчани қўлларимда туюлмайд ариқларга оқизганим, кундузлари офтобларга, тунлари парирўй моҳтобимга менгзаганим — Ватан!

Бобур қисматидан юм-юм йиғлаганда овутганим, тирикликда ҳеч нарсага алишмаган диёрим, бу дунёдан кетар чоғим ёлғиз ўзи бағридан жой берарим — Ватан!

Шундай келажаги буюк давлатда яшар эканман, юртимга боқиб туриб, беихтиёр шундай дегим келади:

Нечун ураётир вужудда юрак,
Нечун оқаётир томиримда қон.
Мени фарзанд дея атама, майли
Ватанни севмасам сендек, онажон.

Қаламинг дунёни тебратса ҳам гар,
Дўстим, "шоирман", — деб ёйма жаҳонга.
Лоақал, биргина оташин сатр
Битмасанг, шу она — Ўзбекистонга!

*Нигора ШАРИПОВА,
Навоий давлат педагогика институти талабаси*



СЎНМАС ТУЙҒУ

Юртим мустақил бўлган йил — 1991 йил 1 сентябрь куни мен илк бор мактабга қадам қўйганман. Мана, ҳозир бакалавр дипломини, имтиёзли дипломни қўлга олиб, илмимни мустақамлаш ниятида магистратура талабасиман. Мен ўқиётган олий ўқув юртидан юзлаб йигит-қизлар Англия, Ҳиндистон, Германия, Италия, Япония, Корея, Россия, Португалия, Франция каби мамлакатлардаги нуфузли олийгоҳларда таҳсил олиб келишган ва таҳсил олишмоқда.

Устозим — Азамат Акбаров икки йил Корея Паусанск дипломатия университетида корейс талабаларига ўзбек тилидан дарс бериб келди, ўзбекларнинг урф-одатларини, тарихини ўргатди. Мен у кишини аждодларга муносиб инсон деб биламан ва шундай билимдон, меҳрибон, самимий, руҳан тетик инсон менинг устозим эканидан фахрланаман.

Икки йилдирки, ўқиш билан бирга ишляпман ҳам. Олган билимларимни ўқувчиларимга сарф қилиб, яна кўпроқ ўрганаёпман. Қалбимдаги ҳисларимни — Ватан деб аталмиш улуғ замин моҳиятини, ўзим истиқомат қиладиган кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳрим Самарқанднинг чексиз ардоққа лойиқлигини бир синф ўқувчиларга айта олиш бахтига муяссарман. Уларга шу гапларни айта олаётганим, улар эса бу сўзларни қалб-қалбидан ҳис қилишлари ва бунинг акси кўзларида намоён бўлишини кўришим — менинг қувончим. Толиққан пайтларимда ўқувчиларимнинг илмга ташна нигоҳлари ва жўшқин овозлари, "Устоз" дея қилган мурожаати бу чарчоқни енгиб, қалбимда алақандай майин бир ҳисни уйғотади. Бу мен учун бахт!

Оллоҳ насиб айласа, юрагимга тугиб қўйган ниятларимга эришаман, албатта. Мен ва мен каби ёшларга бе-

рилган имкониятдан фойдаланмаслик, чанқоқ ҳолда қудуқ ёнидан ўтиб сув ичмаслик билан тенг. Мен ташнаман ва албатта чанқоғимни қондираман!

Донишманд Скорина Ватан ҳақида гапирар экан, шундай дейди: "Чўлда ўрмалаб юрган жониворлар ҳам туғилишлари биланоқ ўз маконларини биладилар, ҳавода учувчи қушлар ҳам, денгиз ва дарёлардаги балиқлар ҳам ўз ошёналарини ҳис қиладилар, ҳатто болари ва шунга ўхшаш бошқа жонзотлар ҳам ўз уйларини муҳофаза қиладилар — шунинг каби одамлар ҳам қаерда туғилиб, парвариш топсалар, ўша жойга чексиз меҳр қўйган бўладилар".

Биз ҳам Ватанимизнинг ҳар бир қарич ерини кўз қорачиғимиздай асрайлик, унинг дахлсизлигини бирга таъминлайлик, меҳр қўяйлик ва меҳримиз тафти зинҳор сўнмасин! Шу улуғ замин — Ўзбекистон фарзанди номига муносиб бўлайлик!

*Комила МАҲКАМОВА,
Самарқанд давлат университети талабаси*





ЭРК ҲИССИДАН УЛҒАЙМОҚДА ТАН

Кунларимга кирди масрурлик,
Богларимда яшил ҳарорат.
Манзилим ҳам топди осойиш,
Йўлларимда буюк ҳидоят.

Томиримга от солди такрор,
Юрагимни англашга хоҳиш.
Кузатяпман қайтадан-қайта,
Бир танимда минг бир тирилиш.

Атрофимни елкалади тонг,
Тупроғимда рангланди нурлар.
Осмонимда эрк ёғдулари —
Ёшлигимдек мағрур турналар.

Оловлар кўксимда тарих,
Эрк ҳиссидан улғаймоқда тан.
Ёлқинлик тонг, бедор бу кеча,
Пойингни боз ўпурман, Ватан!

Назира МАҚСУДОВА,
Фарғона давлат университетининг талабаси



ТАНГА ҚУВВАТ, РУҲГА РОҲАТ СЎЗ

Вужудга титроқ солгувчи, кўнгилга нурдай қуйилгувчи бир буюк сўз бор дунёда. У сўз танга қувват, руҳга роҳат, инсон ҳаётига бир умрга фароғат бағишлайди. Бу сўз бутун танангни титратиб жаранглайди. Бу сўзни эшитганда, ўзбекнинг тўқсон икки томири яшнаб кетади. Бу сўз учун жонидан, хонумонидан кечган аждодларим бор. Бу шундай буюк ва муқаддас сўз. Уни тилга олмоқ осон эмас. Минг битта жонимга титроқ солган ўша олов сўз — ВАТАН!

Ватан, такрор айтаман Ватан,
Бирлаша бошлайди юрак, ақл, тан.

Бу сўз айтилганда, бутун вужуд сезгига айланиб, уни сенга ишониб кетган аждодлар нигоҳини ҳис этсангина, шу юртнинг фарзандиман дейишга ҳақлисан. Ватан. Бу сўзни айтганимда, кўз олдимда меҳрибон онамнинг нури юзлари, маҳаллам, қон-қариндошларим, беғубор болалигим ўтган кўчалар, биринчи ўқитувчим, биринчи муҳаббатим, мусаффо осмоним гавдаланади. Менинг кечам, бугуним ва эртамни англагувчи бу сўзни нечун жоним титраб айтмай?! Нечун уни севмай?! Онам каби мўътабарим, Она юртим деб атамай?! Нечун?

Она юрт! Унинг қадрини ватандан йироқ яшаб, унинг бир ҳовуч тупроғига зор бўлган инсон, айниқса, жуда яхши тушунади.

Ҳиндистонда Буюк Бобурийлар империясига асос солган ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур бутун умри давомида ўша бойликларидан келган бахту саодатнинг бир чеккаси кемтик эканини чуқур ҳис қилиб яшаган. Бу — она юрт соғинчи эди. Ватан соғинчи уни бир

умр тарк этмади. Она юрти Андижонни лоақал бир бор кўриш орзусида дарвеш бўлишга ҳам рози бўлган Бобур Мирзо ҳасрат-надоматлар чекиб, оламдан кўз юмди.

Тарихдан маълумки, буюк мутафаккир, шоир ва давлат арбоби Мир Алишер Навоий темурийзодалардан бири Ҳусайн Бойқаро билан болалиқдан иноқ дўст бўлган. Бироқ саройдаги айрим низолар сабаб, шоҳ Навоийни она шахри Ҳиротдан Астрободга ҳокимлик мансаби остида сургун қилади. Бу воқеа 1487 йилда рўй беради. Навоий пароканда шаҳарни обод қилиб, маърифат нури билан нурафшон этади. Лекин қалбининг бир чети сира ёришмайди. Бир неча бор дўстига мактуб йўллаб, юртга қайтаришини илтимос қилади, унинг машҳур рубойиси ҳам худди мана шу йили ёзилади:

Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.

Рубойини ўқиган Ҳусайн Бойқаронинг кўзларига ёш келади ва тезлик билан Навоийнинг Ҳиротга қайтиши ҳақида фармон беради. 1488 йил соғинчдан юрак-бағри адо бўлган Алишер Навоий Ҳиротга етиб келади ҳамда шу юртнинг равнақи учун чин дилдан хизмат қилмоққа киришади.

Ватан олдида ҳар қандай шону шавкат, молу мансабдан кечган, буюк инсонлар улғайган бу тупроқ бугун бизга — бешик. Унинг ҳар зарраси муқаддас. Шундай буюк юрт фарзанди эканимдан кўксим чексиз ғурур ва ифтихорга тўлади. Мана шу Ватанга муносиб фарзанд бўлиш умидида тинимсиз изланаман. Бу менинг аждодларим, ота-онам олдидаги муқаддас бурчимдир.

Ватан! Мен бу сўзни болалигимдан, мактаб парталаридан англаб етдим. Шу боис бўлса керак, бешинчи синфда-лигимдаёқ ёзган илк шеърим ҳам, кейинчалик шеърим китобим ҳам "Ватан туйғуси" деб номланди. Мен юртимга бўлган меҳру муҳаббатимни шеърларимга тўка бошладим. Мана улардан бири:

Неча йил бошингдан кетмади булут,
Қуёшни соғиндинг, нурга бўлдинг зор.

Сен бугун уларнинг барчасин унут,
Қувон, она халқим, давронимиз бор.
Бугун юракларда поклик ҳукмрон,
Оналар сочига бевақт қўнмас қор.
Ҳар ишда ҳаловат, мусаффо осмон,
Қувон, она халқим, карвонимиз бор.
Йўлларни ёритар адолат нури,
Бунда ёш авлод ҳам ўсар бахтиёр.
Энди ўзингники кошонанг тўри,
Қувон, она халқим, сарбонимиз бор.

Чет эл сафаридан қайтдингиз, оёғингиз тупроққа тегар экан, бирдан бор вужудингиздан бир нидо портлайди:

— Эҳ, ўлсам ҳам, шу ерда ўлайин-а!

Ривоят: Ровийларнинг айтишларича, Одам Ато Момо Ҳавонинг айтганини қилиб, Оллоҳ таолога берган ваъдасини унутиши туфайли жаннатдан Ерга туширилган экан. Шундан кейин жаннатда кечирган хузур-ҳаловатли турмушларини қўмсаб, кўп эслабди. Ўтмишни эслаш ана ўшандан бошланибди. Шу тариқа тарих, аввало, инсон хотирасида вужудга келибди. Хотиравий тарих ажоддан авлодга ўтаверган. Бу ривоятнинг маъзида "Ўтмишни эслаш жаннатни қўмсашдек хайрлидир", деган маъно ётади.

Мустақиллик ҳақида ёзишдан олдин халқимизнинг тарихда босиб ўтган йўлларига бир назар ташлагим келди.

Туркистон XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзга давлатга маҳв бўлди. Сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда, ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир. Бундай бойликнинг аҳамиятини англаш учун чор Россиясининг Туркистон ўлкасидаги генерал-губернатори М.Скобелев айтган гапларни эслаш кифоя: "Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназулга учрайди". Чоризм юқорида айтилган фикрларга тўла амал қилди. Аввало, униб-ўсиб келаётган ёш авлод онгига ҳужум қилинди. Рус-тузем мактаблари очилди. Ўзбек тили иккинчи даражали тил бўлиб қолди. Жа-

миятнинг ҳар бир соҳасидаги ишлар рус тилида олиб бо-
рилди. Мактабларда "Темур тузуклари", Алишер Навоий
ижоди эмас, балки рус адабиёти ва маданияти чуқур ўрга-
тилди, ўрганилди. Жаҳолат ҳеч қачон илм-фанни тан ол-
майди. Орзу йўқолса, ҳаёт тўхтаган ҳисобланади. Шу боис,
боболар қонидаги шундай орзу XIX аср охирида бош кўтар-
ди. Орзунинг поймол бўлишига жаҳолат сабабчи бўлгани-
ни чор Россияси мустамлакасида эзилиб, ундан қутулиш
чорасини излашга тушган юрт зиёлилари биринчи бўлиб
англаб етдилар. Озодлик учун ўз жонини тиккан миллат
фидойиси, Туркистон жадидларининг етакчиси Маҳмуд-
хўжа Бехбудий шу жаҳолатни келтириб чиқарган иллат-
ларни таҳлил қилар экан, шундай хулосага келди: "Дунё-
да турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замон илми
ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлув".

Дарҳақиқат, юқоридаги фикр моҳиятини англаб етган
бир қатор жадидлар, жумладан, Мунаввар Қори, Абдулла
Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдуқодир
Шакурий ва бошқа кўплаб миллат фидойилари жонлари-
ни қурбон қилиш эвазига бўлса-да, миллатнинг кўнгили
кўзини очмоққа киришдилар. Улар озодлик орзусини рўёбга
чиқаришнинг амалий йўлларида бири — ёшларни маъ-
рифатли қилиб тарбиялаш, деб билдилар. Мактаблар очиб,
дарсликлар чиқариб, болаларни ўқитдилар. Қисқа қилиб
айтганда, "жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш"
йўли бизни ёруғ кунларга, нурли истиқболга олиб чиқди.
1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси мустақил
бўлди.

Мустақиллик — бу миллат орзуси, ўз ривожланиш йўли-
ни ўзи танлаш ҳуқуқи. Мустақиллик — бу ўзига беқлик.
Мустақиллик — бу орзулар рўёби. Ўзбекистон ўз орзула-
рини рўёбга чиқариш имкониятига эга бўлди, ҳаракат бош-
ланди. Бироқ собиқ иттифоқдан ажралган бошқа мамла-
катлар каби фақат бугун ҳақида ўйлаш, бугуннинг муам-
моларига ўралашиб қолиш мумкин эди. Бахтимизга,
миллатни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш учун
ўз йўлига эга бўлган доно ва фидойи инсон — Ислом Ка-
римов Ўзбекистон Президенти этиб сайланди. Юртбоши-

мизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт", деган фикрлари мамлакатимиз раҳбарининг қанчалик ватанпарвар инсон эканини кўрсатиб туради.

Юртбошимиз И.Каримов ўзининг "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" асарида шундай дейди: "Ўзбек том маънода бунёдкордир. Унга бировнинг ери керак эмас. Мабодо, қўлига қурол олгудек бўлса, фақат ўзини ҳимоя қилиш учунгина олади. Ўзбек ерни, табиатни севади: дўпписида сув ташиб бўлса ҳам, экин экади".

Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати. Бу заминда табиий бойликлар, унумдор ерлар, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими, бу диёрда меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшайди.

Ўзбекистон — ўзига хос мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган давлат. Бу йўл жаҳонда ўзбек модели деб тан олинган ривожланиш йўлидир.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Президентимиз И.Каримов томонидан жамиятни ислоҳ этишнинг чуқур илмий асосланган қуйидаги беш тамойили вужудга келди:

Биринчи тамойил. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги.

Иккинчи тамойил. Давлат — бош ислоҳотчи.

Учинчи тамойил. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонуннинг устуворлиги.

Тўртинчи тамойил. Аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш.

Бешинчи тамойил. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш.

Ушбу тамойиллар Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг асосини, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади.

Ўзбекистон тарихан Буюк ипак йўли каби қадимий савдо йўллари туташган, қизғин ташқи алоқалар ва турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитиш жараёни кечган ҳудуд — Ўрта Осиёнинг марказида жойлашган. Ана шу қулай жуғрофий ўрин бутунги кунда ҳам узоқ-яқин мам-



лакатларни ўзаро боғлаб турувчи кўприк бўлиб келаётган халқаро муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Юртимизнинг "Шарқ дарвозаси" дея таърифланиши бу ҳақиқатнинг ёрқин тасдиғидир.

Юртбошимиз айтганидек, "миллат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар". Шу маънода, 2005 йилнинг 13 майида бўлиб ўтган Андижон воқеалари бизни янада ҳушёрликка чорлади. Портлаш натижасида синган ҳар бир ойналар синиғи гўё бизнинг қалбимизга санчилди. Бу оғриқ бизни огоҳликка чорлайди. Бу оғриқ бизни нонни босиб ўтиб, базм қилувчи нонкўрлар борлигидан, алла айтаётган аёл томон, алла эшитиб ухлаётган чақалоқ томон ўрмаловчи қора илонлар борлигидан огоҳлантириб туради. XXI аср бонг ураётган бир даврда лоқайд одамларга орамизда ўрин йўқ. Ота-боболаримиздан қолган буюк меросни, кўҳна бу юртни келажак авлодга гард юкмаган ҳолда топшириш барчамизнинг шарафли бурчимиздир. Мақсад — аниқ, йўлимиз — равон, Ватан йўлида олға қадам ташлайлик.

*Хурматой ДЕҲҚОНОВА,
Фарғона давлат университети талабаси*





БОЛАМ ДЕГИН...

Болам дегин халқим дардинг билсам агар,
Қалам билан қалб тиконинг юлсам агар,
Бошинг узра қора булут келар бўлса,
Зиё бўлиб уни пора қилсам агар.


Болам дегин ғурур тўлсин қалбга ўздан,
Болам дегин оқизмасам ёшинг кўздан,
Мадҳинг куйлаб, эй она юрт, қутлуғ сўздан,
Бир кошоно, нурли макон қурсам агар.

ВАТАН ИШҚИ

Шу Ватандир ота-онангга, аждодларингга бешик,
Шу Ватанда яшарсан то қалбда йўқ зарра ҳадик,
Ватандан очилади жаннат томонга эшик.
Ким яшар юрт бағрида билинг у жаннатдадир,
Жаннат юртинг севмасдан яшаб бўлурми ахир.

Бир ёнда Аму бордир, Сирдарё бўлур бир ён,
Қашқадарёю Чирчиқ, бир ёнда бор Зарафшон.
Улар борки халқим тўқ, ризқи бутундир ҳар он,
Лек бўлса ҳам қора нон, бўлса ҳам сувинг тахир,
Ўз ризқингни севмасдан, яшаб бўлурми ахир.

Карвон кетар эрк йўлидан истиқболга етай деб,
Итлар хурар панадан сенла кетиб нетай деб.



Сарбон бор карвон кўкси борар кўқдан ўтай деб,
Сарбон доно, писанд эмас карвонга тоғу адир,
Ўз сарбонинг севмасдан яшаб бўлурми ахир.

Ватан кенгдир бағрига сиғуси юксак тоғлар,
Дарёлару, саҳролар яна гуллаган боғлар.
Лек сизмассан кўксига солгувчи бўлсанг доғлар,
Ватан учун юракда бўлар бўлса зарра кир,
Шу кўнгилла Ватанни севиб бўлурми ахир.

*Темур ДАВЛЕТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси*



БОБОЛАРИ БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДАРИМИЗ

Инсоният учун тарихдан улуғ устоз йўқ. Тарихдан талланган нурлар халқнинг бугунги ва келажак сари бораётган йўлини ёритишга қодирдир. Маҳмуд Қошғарий ўзининг "Девони луғотит турк" асарида тилимизнинг бойлиги, гўзаллиги ва халқаро миқёсда обрў-эътибори ҳақида сўз юритиб: "Туркий тил араб тили билан пойга қилиб ундан ўзиб кетаётган тилдир", — дейди. Бир неча асрлар илгари тилимизнинг мавжудлиги, гўзаллиги, халқаро миқёсда бой тил бўлгани — бу бизнинг гуруримиз эмасми?

Биз илм ва қалам қудрати ила жаҳонни забт этган аждодларимиз билан қанчалик фахрлансак, қўлида шамшир ила Турон эрки, истиқлолини ҳимоя қилган қаҳрамон боболаримиз жасорати билан ҳам шунчалик ифтихор қиларимиз, гурурланаримиз. Амир Темур эрксевар ва ватанпарвар саркарда. Амир Темурга хос фазилатлар орасида илм аҳлларига эҳтиром ва ғамхўрлик алоҳида ажралиб туради. Мирзо Улуғбек даврида илм-фаннинг гуркираб ривожланиши учун бобомиз Темур замонида мустаҳкам замин ҳозирланган. Мустақиллик давридагина биз улуғ бобомизнинг хотирасига муносиб эҳтиром кўрсатиш имкониятига эга бўлдик. Мен Президентимиз Ислам Каримовнинг қуйидаги сўзларида халқимизнинг улуғ давлат арбоби хотирасига бўлган беқиёс ҳурмат ва эҳтиромларини англадим: "Амир Темур шахсини идрок этиш тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш ўзлимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш тарих қаърида чуқур илдиш отган томирларимизга, маданиятимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир".

Ўзбек ўзининг ажойиб фазилатлари — ўзаро ҳурмат, саховатлиги, одамгарчилиги, камтаринлиги, бир сўзлилиги




билан ҳам ажралиб туради. Устозимдан эшитгандим. Президентимиз адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг меҳнатларини юксак баҳолаб, "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига тавсия қилибдилар. Уни топшириш мақсадида Озод отанинг ҳузурларига бормоқчи бўлибдилар. Мен бунда бобомиз Ислон Каримовнинг устозларга бўлган чуқур эҳтиромини, ҳурматини англадим. Лекин Озод Шарафиддинов тақдирлаш маросимига ўзлари бориб, унвонни олган эканлар. Бундан мен олим инсоннинг бетоб бўлса-да, ҳаётга бўлган ҳаваслари, доимо олға интилиб, ҳеч қачон чекинмай яшаганларини тушундим ва уларга ҳавасим келди.

Ўзбекистон ифтихори, жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновни ҳаммамиз жуда яхши биламиз. У оддийгина оилада тарбияланган, ҳатто ўша пайтда шуғулланиши учун уйда компютери ҳам бўлмаган ва бундан уялган экан. Меҳрибон Ислон отамиз бундан хабар топиб, унга компютер совға қилибдилар. Бошқа имкониятларни ҳам яратишга ҳаракат қилибдилар. Натижада оддий оиладан бўлган Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Бу албатта, ўзбекнинг яна бир ғурури, ифтихори.

7-синфда Ш.Холмирзаевнинг "Ўзбеклар" ҳикоясини ўқитишди. Ҳикоя қаҳрамонлари ўзлари камбағал яшаса-да, бағрикенг, меҳр-оқибатли, бир майизни қирқ бўлиб ейдиган танги инсонлар. Уларнинг аҳволи қийин бўлса ҳам ҳаётидан нолимайди, нима қилиб бўлса ҳам ҳашарчиларнинг кўнглини олишга ҳаракат қилади. Бундай ҳолатни ўз уйимизда ҳам кузатганман. Бизнинг турмушимиз ҳикоя қаҳрамонлари шароитига ўхшамайди, албатта. Лекин баъзида гўштми, гуручми ёки бошқа бирор нарсами етишмай қолган пайти ҳам бўлган. Айниқса, ойим бизлардан беркитиб олиб қўйган қуруқ мевалар, конфетларни меҳмон келганда дастурхонга тортсалар, "Ўзбеклар" ҳикояси қаҳрамонлари ёдимга тушаверади. Бу албатта, ўзбекнинг меҳмондўстлиги деб ўйлайман. Шунга ўхшаш воқеани Тоғай Муроднинг "Отандан қолган далалар" китобида ҳам ўқиганман. Унда ҳам миллий руҳ, миллий ғурур уфуриб туради.

1991 йили мустақилликка эришдик. Президентимиз томонидан ўзбекнинг топталган миллий ғурури қайта тик-



ланди. Биз 274-мактаб ўқувчилари шу пайтгача етмиш йиллик эски мактабда ўқидик. Мана, бу йил биз ўқувчилар учун янги мактаб биноси қуриб топширилди. Ҳозир янги мактаб биносида ўқимоқдамиз. Бунинг учун биз Юртбошимиздан, ҳукуматимиздан жуда миннатдормиз. Зеро, бобомиз айтганларидек, "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз".

*Хумора ЭРКИНОВА,
Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги
274-мактабнинг 9-"Б" синф ўқувчиси*



ЎЗБЕКИСТОН — ЖАННАТ ЮРТ

Мен нечун севаман Ўзбекистонни,
Тупроғинг кўзимга айлаб тўтиё,
Нечун Ватан дея еру осмонни,
Муқаддас атайман, атайман танҳо?

Таниқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг ушбу мисралар билан бошланувчи "Мен нечун севаман Ўзбекистонни?" шеърида Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, садоқат ва Ватан биз учун танҳо ва ягоналиги яққол тасвирланган. Дарвоқе, ҳар бир инсон учун она ягона бўлгани каби Ватан ҳам биттадир. Ватан ҳар бир инсоннинг онгида, қалбида, вужудида яшайди. Ватан, аввало, бизнинг туғилиб ўсган, киндик қонимиз тўкилган макон, илк қадамларимизни ташлаган тупроғимиздир.

Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. У остонадан бошланади. Ватан мадҳини қанча куйласак ҳам камдек туюлаверади.

Булбул чаманни севар, одам Ватанни, деганларидек, Ватан учун жонимизни фидо қилсак ҳам арзийди.

Мустақиллик учун кураш олиб борганлар бу кунларга етишишни қанчалар истаганлар, афсуски, уларга бу кунларга етишиш насиб этмаган. Лекин уларнинг руҳи доимо биз билан.

Юртим кўнглингдек кенг осмонларинг бор,
Юлдузни йиғлатган дostonларинг бор.
Осмонларингда ҳам дийдорингга зор,
Жайрондек термулган Чўлпонларинг бор.

Бугун Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда. У 1992 йил 2 мартда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди.



Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин чет эл давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатди. Ҳозирда Ўзбекистон ёшлари чет элларга чиқиб ўқиб келишга эришяптилар. Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари чет эллик сайёҳларнинг севимли масканига айланган.

Мен шундай озод, обод, эркин юртда туғилганимдан фахрланаман. Ўзбекистон — мустақил давлат. Президентимиз айтганларидек, "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз". Ўзбекистон каби гўзал, жаннатдек юрт ҳеч қаердан топилмаса керак. Ҳофиз куйлаганидек:

Агар жаннат кўқда бўлса, остидадир Ўзбекистон,
Агар жаннат ерда бўлса, устидадир Ўзбекистон.

Мен фахр билан айтаманки, биз Ўзбекистон тупроғида кўзлаган мақсадларимизга, албатта, етамиз.

Ҳулқар НАЖИМАДДИНОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
Тўрткўл туманидаги 30-мактабнинг
9-"А" синф ўқувчиси



САДОҚАТ ТУҒИНИ БАЛАНД ТУТГАН ЭЛ

Ер юзида биринчи оилани Одам Ато ва Момо Ҳаво яратган, дейдилар. Муҳаббат тарихи ҳам биринчи Отамиз ва биринчи Онамиздан бошланади, десак янглишмасак керак. Ватан тушунчаси ҳам шундай. Инсон дунёга келиши билан ўз онасини, Ватанини кўради. Киндик қони тўкилган тупроқни азиз гўша деб билади. Уни доимо асрайди, ор-номусини қанчалик эъзозласа, Ватанни ҳам шундай деб билади.

Ўзбекнинг мард, жасур ўғлони Алпомиш ор-номус учун қалмоқ элида озмунча азоблар чекдими? Халқининг юзи ёруғ бўлиши, қаддини тик тутиши, меҳр-муҳаббат, садоқат туғини баланд тутиши, ўзбекнинг ўз номини сақлаб қолиши учун нелар қилмади дейсиз...

Бугунги кунда бир миллиарддан ортиқ миллату элат вакиллари яшаётган ислом дунёсида эътироф этилган олти буюк муҳаддиснинг тўрт нафари Турон тупроғида камол топгани ўзбекнинг неларга қодир эканлигидан далолатдир.

Биз — шундай улуғ зотларнинг маънавий ворислари, қадим юртимиз — бугунги Ўзбекистон халқимиз.

Шоир Муҳаммад Юсуф Ватандан йироқда яшаган ўзбек ўғлонлари Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Фурқатлар қалбини кемирган Ватан туйғусини шундай таърифлайди:

Ҳар кимсанинг бўлсин ўзин бошпанаси,
Ҳар кимса ўз кулбасида даврин сурсин.
Одамни-ку айтмай турай, бу дунёда
Ҳатто қушнинг ёт бутоқда ини қурсин.

Азал-азалдан ўзбек халқи бағрикенглиги, меҳмондўстлиги, иймони бутунлиги билан бутун оламга машҳур. Мен Ватаним — халқимни ана шу хислатларнинг ҳақиқий эгаси деб биламан. Навоий бобомиз номи билан аталадиган

вилоятнинг йирик тумани — Хатирчи фарзандиман. Хатирчи деганда мен унинг тоғу тошларини, дала-водийларини, дарёлари, текис, серунум ерларини, улуғ инсонларини, ўзбекона удумларини Ватан деб биламан. Бу шундай мўътабар гўшаки, ҳар ким шу гўшада яшагиси келади.

Бизнинг халқимиз ўз бошидан оғир кунларни ўтказганда ҳам ўзининг бағрикенглиги билан қанчадан-қанча етим-есирларни бошини силаган. Улуғ шоиримиз Фафур Фулом ўз шеърида тасвирлаган миллий ғуруримиз эзгуликнинг тимсоли эканлигини, менинг халқимга хос эканлигини қалбан ҳис этаман.

Она алласи билан таралган, пойқадамларимиз чизилган заминнинг фарзанди эканлигим билан фахрланаман. Ўз жонидан яратгани учун ҳам она яхшию ёмон боласини тишида тишлаб ўтади. Ватан ҳам ўшандай бағри кенг. Қадамларингни кўксига қўйиб, суйиб яшайди сени. Унинг фахрли ўтмиши, меҳнатсевар халқи, олимлари, адиблари, рассомлари, хонанда ва созандалари, бунёдкор ёшлари бизнинг энг қадрли бойлигимиздир.

Яқинда мустақиллигимизнинг қўлга киритилганига ҳам 15 йил тўлди. 15 йил тарих учун жуда қисқа муддат бўлсада, ўтган вақт мобайнида катта муваффақиятларга эришилди. Боғу роғлар барпо этилди. Катта-катта иншоотлар қад ростлади. Равон йўллар қурилди. Жонажон халқимиз орзуумидлари амалга ошмоқда. Энг асосийси, Юртбошимиз И.А.Каримовнинг биз ёшларга бўлган ишончи, яратиб берган имкониятлари бизларни яхши ўқиш, бунёдкорлик ишлари сари руҳлантиради. Тенгдошларимиз ўқиш, илм олиш, спорт ва бошқа соҳаларда дунёга танилмоқда. Буларнинг барчасини Мустақиллик меваси деб тушунмоқ лозим. Хуллас, барча қийинчиликлар ортда қолди. Энди биз кўп ишларга қодирмиз. Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари замирида бизнинг ва тенгдошларимизнинг ҳам ҳиссаси борлигидан фахрланаман.

Ситора БАҲРОНОВА,

*Навоий вилояти Хатирчи туманидаги
лицей-интернатнинг 10-“А” синф ўқувчиси*

ТИНЧЛИК СУВРАТИ ҚАРОФИМДА

*Эрурсен шоҳ агар огоҳ сен — сен,
Агар огоҳ сен, шоҳ сен — сен.*

Алишер НАВОИЙ

“Ватан” сўзи туғилган макон деган маънони билдиради. Бу ҳақда маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний бундай деган:

“Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар ва мамлакатини шул кишининг Ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган юртини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу Ватан ҳисси, туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз Ватанидан — уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳат-фароғатда яшамас. Маишати талх бўлиб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз Ватанининг муҳаббати турур”. Яна бир аждодимиз — маърифатпарвар Сидқий Хондайлиқий Ватанни таъриф этиб, бундай деган: “Ватан надир? Тукқан ерим, турғон ерим, ўсиб-униб, ўйнаб-кулиб юрган элим... Жоним Ватан, таним Ватан, кўзим Ватан, эсдан чиқар они кўрғоч, кўрғон ерим”.

Демак, Ватан деганда, аввало, туғилган маконимизни, киндик қонимиз тўкилган жойни тушунамиз. Лекин бу — Ватан сўзининг тор маъноси. Ватан сўзининг кенг маъноси эса, ўзимиз, халқимиз мансуб бўлган мамлакатимиздир. Ватанга меҳр қўйиш орқали у ердаги тупроқ, сув ва ҳавонинг хосиятини билиб, улар асосида бошқа ҳеч ерда учрамайдиган нозу неъматлар ва қадриятлар яратиш мумкин. Масалан, юртимизнинг ҳамма жойида ҳам анор ўсади. Лекин ҳеч ернинг анори Қува ёки Дашнобод анорига тенг келмайди. Юртимизнинг ҳамма жойида ҳам анжир ўсади, аммо улар ичида Самарқанд анжирига тенг келадигани кам. Буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мовароуннаҳр вилоятларидаги қовунлар ҳақида гапириб, Бухоро қовунига

алоҳида тўхталади: "Бухорода ҳар жинс қовундин кўп бўлур, яхши бўлур". Халқимиз бундай хосиятли жой ва неъматларни "дуо кетган" деб таърифлайди. Масалан, "Фарғонанинг ерига дуо кетган", "Паркентнинг узумига дуо кетган", "Каттақўрғоннинг майизига дуо кетган" тарзида. Бунда мазкур неъматлар Яратганнинг иродаси билан мана шундай бетакрор қилиб яратилганига урғу берилади. Ана шундай ажойиб Ватанни бировга бериб қўямизми? Албатта, йўқ. Ҳеч ким ўз Ватанини бировга бергиси келмаса керак. Ҳар бир инсон Ватанининг, энг аввало, тинч бўлишини хоҳлайди. Тинчлик бўлган давлатда ривожланиш бўлади. Тинчлик рамзи бу — кабутардир. Бу ҳақда шундай ривоят бор:

Кунлардан бир куни уриш худоси Марс навбатдаги юришга отланибди. Аммо у доимо жанглар вақтида киядиган бош кийими — шлемини қўлига олиб қараса, унинг ичида кабутар ин қурган эмиш. Турмуш йўлдоши Венера буни кўриб, ундан инни бузиб, полопон қушчаларга зарар етказмасликни қатъий илтимос қилибди. Марс унинг сўзларига ён бериб, шлемини жойига қўйибди. Шлемсиз жангга кира олмаслиги сабабли, бўлажак жанг қолдирилибди. Шундай қилиб, қадимги римликларнинг ривоят қилишлари, кабутар қон тўкилишининг олдини олибди ва ўша даврлардан буён тинчлик рамзи ҳисоблана бошлабди.

Ойнаи жаҳонда намоиш этилаётган халқаро ҳаётга оид кўрсатувларни кузатар эканман, дунёнинг турли бурчакларида рўй бераётган қонли воқеалар, террористик ҳаракатлардан қалбим ларзага келади.

Беихтиёр экрандан кўзимни олиб қочаман. Бу ҳаётий эмас, кино, ундаги одамлар актёрлар, деб ўзимни ишонтиргим келади. Мен оддий бир кино тасвирдан шунчалар даҳшатта тушаяпман. Бу воқеалар билан юзма-юз бўлаётган тенгдошларимнинг аҳволи не кечаётган экан? — дея ўйлайман...

Қани энди улар билан дўст тутинсам, боғларда гуллар териб сайр этсак, кичкинтойларга "Том Соьернинг саёҳатлари"ни ўқиб берсам, қиқир-қиқир кулишларини эшитсам...

Эрта саҳарлаб кўчага чиқар эканман, йўлда турли инсонларни учратаман. Қўшни келин кўчага сув сепиб, супурмоқда. Қодир бобо набирасини боғчага олиб кетаяпти, болалар

эса мактаб томон ошиқмоқдалар. Кимдир шаҳарга, кимдир яқинларидан хабар олгани бекат томон бормоқда.

Мусаввир чизган расмига ном берганидек, мен ҳам бу манзарани "тинчлик" деб номлагим келади. Чунки тинчлик сукунат дегани эмас. Инсонларнинг ҳеч қандай таҳдидсиз яшашларидир. Иши кўплигидан қайси биридан бошланиши, қайси муаммони ҳал қилишни билмай боши қотиб турган киши ҳам осудалиқдадир. Бу қандай бахт.

Саккиз-ўн ёшлар чамасидаги қўшни болаларнинг кўлларига ёғоч қурол олиб, "Қани, олға, ҳужумга", — дея қичқирганлари хаёлимни олди. Юрагим ачишди. Аввалига қизиқ туюлган ўйин қанчалик даҳшатли эканлиги кўриниб турарди. Шу он Эркин Воҳидовнинг "Нидо" достонидаги куйидаги сатрлар ёдимга тушди.

"Уруш, уруш" ўйин бўлса бас,
Титратамиз кўку заминни,
Ким ўйлабди дейсиз шу нафас,
Бу урушнинг ростакамини.
Бурчаклардан бир-биримизни
Ёғоч милтиқ билан отамиз,
Биз билмаймиз, қай биримизнинг
Ўққа учди шу вақт отамиз,
Кўксимизни ушлаганча жим,
Йиқиламиз, ўлган бўламиз.
Бу дунёда ростакам ўлим
Борлигини қайдан биламиз.

Кўкка боқаман, осмон мусаффо, оппоқ булутлар сузиб юрибди. Само қаридан тўлин ой кўринади. Ана шу тинчлик манзараси юртимизни сира тарк этмасин илойим, дейман фахр билан.

Ер юзида ҳаётни сақлаш ва уни давом эттириш инсоният зиммасидаги муҳим вазифадир. Инсон бу мажбуриятни адо этмоқлик учун унга, албатта, тинч ва осуда шароит зарурдир.

Президентимиз Ислом Каримов шундай деб таъкидлайди:
"Ҳар биримиз лоқайдлик, бепарволик ва беғамлик иллатидан холос бўлишимиз, ҳар бир фуқаро мамлақати-

мизда содир бўлаётган ҳар қандай воқеа менга, менинг тақдиримга бевосита дахлдор деб ҳисоблаши муҳим".

Андижон — Ўзбекистонимизнинг сўлим ва жаннатмакон маскани. Маълумки, бу ерда 2005 йилнинг 12 майдан 13 майга ўтар кечаси мудҳиш воқеалар юз берди. Минг афсуски, яна кутилмаганда бир гуруҳ кимсалар томонидан Ўзбекистон давлатчилигига қарши хуруж қилинди. Мазкур хуружнинг замирида мавжуд тузумни ағдариш, исломий халифалик давлати тузиш сингари қора ният ётибди. Ўша кимсалар айрим мафкураси саёз, иродаси бўш ёшлардан қурол сифатида фойдаланишди. Нега шундай бўлди? Нега орамизда мафкураси саёз, иродаси бўш ёшлар пайдо бўлиб қолмоқда? Нега улар Ватанга, ота-онага қарши қўл кўтармоқда? Шу ерда жиддий ўйлаб қўришимиз керак, ҳаммамиз ҳам лоқайдлик, бепарволик, беғамлик илатидан халосмизми? Мамлакатимизда содир бўлаётган воқеа менга, менинг тақдиримга бевосита дахлдор, деб ҳис этаяпмизми?

Тенгдошларимиз хатти-ҳаракати, юриш-туриши, нима ишлар қиляпти, кимлар билан юрибди, қандай китоб ўқияптию қандай фильмлар томоша қиляпти, доимо назоратимизда бўлмоғи шарт. Қўшнимиз қандай яшаяпти, тинчми, ёрдамга муҳтож эмасми? Маҳалламизга кимлар келиб кетмоқда, нияти нима, мақсади нима? Буларни билмоғимиз керак. Дил кўзимиз очиқ бўлмоғи лозим. Сезгирлик ҳар он, ҳар дақиқада даркор. Биз ўтмиши буюк халқмиз. Бобокалонларимиз қолдириб кетган улкан маънавий ва маданий меросимиз бор. Таянчимиз — ўша, суянчиғимиз — ўша. Халқимиз тинчликсевар, бунёдкор, иймони бутун халқ. Мустақиллик шарофати билан юртимиз янада обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлаётир. Бироқ, ютуқларимизни, тинчлигимизни кўролмаётганлар бор. Буни ёддан чиқармаслигимиз керак. Ҳушёр, ҳушёр ва яна бир марта ҳушёр бўлмоғимиз шарт. Хуллас, огоҳлик ҳар он, ҳар дақиқада қуролимиз бўлсин.

Умида ТАНГИРОВА,

Жиззах вилоятидаги 8-умумий
ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси

ҲАР БИР МАЙСА ЖОН ҚАДАР АЗИЗ

Сен ўзбек элининг асл ўғлони,
Қалбингда жўш урар Темурнинг қони.
Туркистон азалдан мардлар макони,
Ўзбекнинг ғурури тоғлардан баланд.

Қўлимда қалам, қаршимда умидларим каби оппоқ қоғоз, хаёлан тарих кўчаларида кезиб юрибман. Не-не зотлар ўтди бу маконлардан. Дунёда адолат ўрнатиш мақсадида Темур, инсонлар қалбига эзгулик уруғини қалам билан эккан ҳазрат Алишер Навоий, юлдузлар сир-асрорини очмоққа жазм қилиб, самоларга термулиб Мирзо Улуғбек, одамзод дардига даво излаб дарбадар кезган Шайх-уларис ибн Сино, даҳоликка даҳлдор Форобий, Бухорий, ёвни ҳайратда қолдирган Жалолоддин, қасоскор Тўмарис, исёнкор Спитамен... Эҳ-ҳе!..

Санаб адоғига ета олмайсан киши. Улар ҳақида ўйлар эканман, беихтиёр тупроқни секинроқ боса бошлайман, боболар хоки бор деб, ҳар бир майсани жон қадар ардоқлайман, момоларим нафаси бор деб, ҳар бир бинога, иморатга кўз эмас, қалбим билан назар ташлайман, аждодларим ёди бор деб "қалбим дарёси"да кечаётган туйғуларим ғурурга айланади. Яна сатрлар шууримда сарчашмадек қуйилаверади.

Ўзбек ғурурини жойлаб тифига,
Мардона юксакка кўтарган илк бор.
Зафар қучган бобом Темур руҳига,
Бугун таъзим айлай такрор ва такрор.

Ҳа, аждодларим ғурур бобида мислсиздирлар, шу ўринда яна бир мисол келтирсам.

Маълумки, юртимизни қурол кучи билан енга олманган босқинчи шоҳ Кир II ҳийла йўли билан Тўмарисга ишқий мактублар йўллайди. Аммо оқила ва доно, ватанпарвар Тўмарис унинг ниятини яхши фаҳмлаб, қатъий рад жавобини беради. Нияти амалга ошмаган шоҳ Кир II жанг қилишга мажбур бўлади. Қаттиқ маҳорабадан сўнг жосуслари орқали Кир Тўмариснинг ўғли Спарангиз ва унинг йигитларига кучли уйқу дорисини шаробга қўшиб ичиради. Шу йўл билан Спарангиз душман қўлига асир тушади. Оёқ-қўли кишанланган ботир йигитни Кирнинг олдига олиб келишади. Шунда Кир: "Сен онангга мактуб ёз, у мен қўйган шартга кўниши лозим, йўқса сенинг ҳаётинг хавф остида қолади" деб дағдаға қилади. Спарангиз ўз жонини сақлаб қолиш учун юртини, халқини, онасини душманга топшириш ўрнига ўлимни афзал кўради. Спарангиз қўли кишанда бўлишига қарамай ёнидаги соқчининг қиличини эпчиллик билан суғуриб олади ва ўзини ҳалок этади. Шу эмасми, йигит фурурининг тоғдан баландлиги?!

1991 йил юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг биз ўзлигимизни, қадриятларимизни, маънавиятимизни теран англай бошладик. Юртбошимиз Ислон Каримов ўзбек шаъни-шавкати, фурурининг намунаси сифатида дунёга танилди. У ўзбекнинг ўзбеклигини бутун дунёга кўрсатиш учун катта саъй-ҳаракатга раҳбарлик қилиб келмоқда. Биз ўз миллий армиямизга эга бўлдик. Юртни йигитларимиз қалқон бўлиб, кўз қорачиғидек асрамоқдалар.

Президентимиз қачон, қаерда бўлмасин халқ келажagini, ёшлар тақдирини биринчи ўринга қўйиб иш тутадилар. "Баркамол авлод — тараққиёт пойдевори" асарида Юртбошимиз шундай деган эдилар:

"Менинг энг катта ишончим — ёш авлоддир. Замонавий билимга эга, одобли, илмли, кўрсанг ҳавасинг келадиган баркамол ва шижоатли фарзандларимиздир. Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирини ҳам ана шуларнинг қиёфасида кўраман. Киши ана шундай фарзандлари борлигидан куч олади, онги тиниқлашади, рағбатланади, кўкси тоғдай кўтарилади".



Эл ишончини, Президентимиз ишончини оқлаш бизнинг инсоний бурчимиздир.

Ўз киндик қонимиз тўкилган муқаддас юртни, унинг дахлсизлигини, мусаффо осмоннинг осойишталигини таъминлаш учун керак бўлса, жон фидо этмоқ ҳар бир ўзбек фарзандининг бурчи эмасми?

Муҳтарам Юртбошимиз айтганларидек, биз ўз аجدодларимиз билан фахрланиш билан чекланиб қолмаслигимиз керак, бизлардан ҳам келгуси авлодлар фахрланиб, ғурурланиб юрсинлар. Менимча, бунинг учун биз катта масъулиятни ҳис қилмоғимиз, ўз аجدодларимизга муносиб издошлар бўла олишимиз керак, деб ҳисоблайман.

Қолаверса, мустақилликка эришганимиздан сўнг халқ хўжалигининг барча соҳаларида ислоҳотлар амалга оширилди. Соғлом турмуш тарзини мукаммаллаштириш мақсадида йиллар ўзига хос номланиб, бир-бирини тўлдириб борди. "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили", "Қарияларни қадрлаш йили", "Обод маҳалла йили", "Меҳр-мурувват йили", "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"...

Бундай гулдастани дунёнинг бирор бурчагида учрата олмаймиз. Ҳар бир режа, ҳар бир интилиш, ҳар бир ислоҳот халқимизнинг фаровонлиги, бахт-саодати учунлигини ҳис этиб тураман.

Ер юзида эллар кўп, давлатлар бисёр. Аммо менинг тинч ва осуда, жаннатмакон Ватаним дунёда ягона!..

Элим деб, юртим деб ёниб яшаётган Юртбошим, ватанпарвар халқим омон бўлсин!

*Шаҳноза СУЛАЙМОНОВА,
Навий вилояти Кармана туманидаги
15-умумий ўрта таълим мактабининг
11-синф ўқувчиси*



ҲАҚИҚАТ ТАНТАНАСИ

Ўзбегим ўзингга бексан, мағрурсан,
Сен тоғсан чўққиси осмонга етган.
Юракни сел этган ўтли сурурсан,
Фуруринг доврўфи оламни тутган.

Ўзбегим! Саховати қуёшдек беминнат, Фурури пирвиқор тоғлардек сарҳад билмас, қалби денгиз тубидаги садафдек оппоқ, меҳру вафоси ўлчанмас халқим! Сенинг таърифинг сўзга сифмайди. Сенинг васфинг шеърга сифмайди. Тегранг-да қуёшу, аммо фуруру номусинг, ўзлигингу фидойилигинг бамисоли шамс. Унинг туру таровати завол билмайди.

Ўзбегим, минг йиллик тарихинг, бебаҳо ёдгорликларинг, қадимий ва навқирон шаҳарларинг, илмга чанқоқ ёшла-ринг, такрорланмас урф-одатларинг, мардлигингу танти-лигинг тилларда дoston!

Она халқим! Оллоҳ инсонга ато этган барча эзгу фази-латлар сенда мужассам. Шижоат, қаҳрамонлик, тантилик, мардлик, тўғрисўзлик, фидойилик, аҳдига вафо, севгига са-доқат, дўстга муҳаббат, жоҳилга нафрат, мазлумга шаф-қат, элга саховат, зийраклигу фитрат, жасорат, аёлга ҳур-мат, каттаю-кичикка иззат, шунингдек, мағрурлик ва ўзлик-ни қадрлаш каби фазилатларинг бор!

Фурур! Бу шундай бир туйғуки, у на ўлчанади, на баҳо-ланади. Бу туйғуни фақат ҳис қилган кишигина қадрлай олади. Фурур тошдан қаттиқ, тоғдан баланд, сувдан тиниқ, юлдуздан-да нурафшон, тифдан-да ўткир, бўрондан ҳам шиддатли, олмосдан ҳам қимматбаҳо, оппоқ қорлардан ҳам беғубор туйғу!

Алпомишу Равшан, Фарҳоду Отабек ва Анварларнинг қалбида туйғен урган туйғусан!

Фурур! Ватан учун, эл учун жон олиб, жон берганлар юрагидасан. Ҳа, сен доимо она халқим қалбидан жой олгансан!

Сўзласин Афросиёбу, сўзласин Ўрхун хати,
Кўҳна тарих шодасида битта маржон ўзбегим!

Ҳазрат Навоийни разолатга тўла саройни тарк этишга мажбур этган фурур эмасми? Мирзо Бобурни ўз юртини ташлаб, бегона элларга дарбадар этган ҳам фурур эмасми?


Ўзбегим фурури! Сен етмиш йил топталдинг, ҳақоратландинг! Етмиш йил разолат ботқоғига ботдинг. Қарийб бир аср эгилдинг. Аммо синмадинг, йўқолмадинг, қаддингни қайта тутдинг.

Мағрур фарзандларинг Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Абдулла Қодирийларнинг жонини фидо этиш эвазига қайта дунёга келдинг.

Ўзбекнинг ана шундай мард ўғлонлари халқнинг хурлиги, мустақиллиги, ўзлигини англаш, фурурининг топталмаслиги учун жон беришган. Уларнинг ана шу фидойиликлари она халқимизнинг ёдида мангу яшайди.

Йиллар ўтди, дарёлар ўз ўзанини топди, қуёш барибир Шарққа кўпроқ нур сочди. Қуёшнинг заррин нурларидан пурвиқор тоғлардаги оппоқ қорлар эриб, дарёларга қуйилди. Гўёки мағрур инсонлар ўз ўрнини, ўз маконини топганидек. Муҳтарам Юртбошимиз саъй-ҳаракати, катта жонбозлиги туфайли юртимизда ҳурлик шамоллари эсди. Ўзлимиз, қадр қимматимиз, олтин тарихимиз тикланди.

Фурур инсонни юксалишга, камол топишга, янгиликлар яратишга, кашфиётлар кашф этишга ундайди. Гоҳида баъзи инсонлар фурур ва манманликни бир тушунчадек қабул қиладилар. Йўқ! Асло фурур ва манманлик эгиз туйғулар эмас. Манманлик, менсимаслик — ақсизлик балоси. Фурур эса ҳақиқий мард инсонлардаги бебаҳо туйғу. Бу туйғу ноҳақ бировга бош эгмасликни, ўзликни топтамасликни талаб этади. Фурурли инсон доимо ўз "мен"ига эга бўлади. Ўтмишини, бугунини, келажагини қадрлайди.



Халқ учун жонини фидо этади, оиласи учун, онаси, севган ёри ёки фарзандлари учун ҳалол меҳнат қилади.

Юрт равнақи учун хизмат қилади. Мағрур инсонгина ҳаётнинг ўнқир-чўнқир сўқмоқларидан ўта олади ва ҳаётда ўз ўрнини топади.

Халқимиз бошидан қора кунлар ўтди. Гоҳида ўз фарзанди унга хиёнат қилди. Гоҳида ўзи камол топтирган ўғлонлари ўзбек халқига қарши бўлган турли оқимларга қўшилди. Улар ғурурларини поймол этишди, ўзликларини сотишди, Чингиз Айтматов ибораси билан айтганда, "манқурт"га айланишди.

Мен ҳеч қачон бундай нокас инсонларнинг тарафдори бўлмайман. Ҳақиқий мард инсон юрти учун, она халқи учун жон олиб, жон бериши керак.

Халқим, тантилигинг ўзи бир олам,
Юртбошинг бошингда ёниб турган шам.
Таърифингни битиб чарчамас қалам,
Мағрур ўғлонларинг доим бор бўлсин.

*Мустафо МУҲИТДИНОВ,
Бухоро вилояти Когон туманидаги 11-мактабнинг
10-синф ўқувчиси*



ЮРТБОШИМИЗНИНГ СЎЗЛАРИНИ ЭШИТИБ ФУРУРЛАНАМАН

Мен гавжум шаҳарлардан олисда — тоғлар қўйнидаги кичик бир қишлоқда яшайман.

Эрталаб қуёш чиққанида унинг нури даставвал тоғларнинг чўққисига тушади. Кейин чор-атрофга ёйилади. Мен қорамолларимизни подага қўшиб келаман-да, овқатланиб мактабга йўл оламан. Дарс мавзуларини чуқур ўзлаштириб боришга ҳаракат қиламан. 9-синфни битиргач, академик лицейга кирмоқчиман. Орзуим ушалиши учун ота-онам ва устозларим дарсларни мукамал ўзлаштириб боришим лозимлигини доим уқтиришади.

Бобом яратган кичик боғимиз қишлоғимиздан бир қир нарида. Мактабдан бўш чоғларимда уйдагиларга қарашгани боққа бораман. Мевалари ҳар йили мўл бўлади. Ишдан бўш пайтларда дарахтларнинг тагида ётиб, боғ четидаги виқор тўкиб турган мирзатеракларнинг учларига тикилиб ётишни ёқтираман. Зериксам, китоб мутолаа қиламан.

Тарих фанига қизиқишим бошқача. Ҳали ўтилмаган мавзуларни ҳам орада қолдирмай алақачон ўқиб чиққанман. Тарих китобларини ўқисам, гўё мозийга саёҳат қилиб кетаман. Ўтган воқеа-ҳодисаларда ўзим ҳам иштирок этаётгандек бўламан. Ўтмиш кўз олдимда гавадланади.

Мен ҳали Тошкентни, бошқа улкан шаҳарларни кўрмаганман. Дадам: "Ҳали бир-икки йилдан сўнг вояга етсанг, ҳамма ёққа борасан, Самарқандгайм, Бухорогайм", дейди.

Мен Юртбошимизни телевизорда кўрганман, холос. У кишининг нуроний чеҳрасига боқиб, сўзларини эшитиб, фурурланиб кетаман. Айниқса, ёшларга қилган мурожаатлари мени ҳаяжонга солади. Вояга етгач, у киши орзу қилган билимдон ёшлар қаторида бўлишни жуда-жуда хоҳлайман.

Баҳор кезлари ўртоқларим билан равоч, лола баҳона тоғларга чиқиб кетамиз. Биз яшайдиган жойлардаги тоғларнинг энг баланд чўққисини маҳаллий аҳоли "Қорақуш" деб атайдди. Чўққидаги қават-қават қора тошлар улкан қушнинг қанотини эслатгани учун шундай ном қўйишган бўлса керак. Мен шу пайтгача унинг энг баланд чўққисига чиққанам йўқ. Ҳали чиқарман.

Мактаб кутубхонасидан кўпинча тарихий асарларни ўқишга оламан. Улар билимимни кенгайтиради. Улуғ бобомиз Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Тўмарис ва бошқа улуғ аждодларимиз тўғрисидаги кенгроқ маълумотларни ўша китоблардан ўрганаман. Тарихда ўчмас из қолдирган жасур аёллар — Амазонкаларнинг ҳам бизнинг момоларимиз эканлиги тўғрисидаги тахмин мени, айниқса, лол қолдиради.

Дадамнинг айтишича, ўз даврида бобом оила боқишга қийналиб қолгани учун ўзга мамлакатдаги бир тоғаси уни ўзи яшайдиган жойга кўчиб боришни таклиф қилган экан, лекин бобом унамаган. Қишлоқдан бир қир наридаги яйдоқ жойда кўчатлар экиб, ҳалиги боғимизни барпо қилишга киришган. Боғ мева бергунича бобомнинг оиласи яна беш-олти йил қийналиб яшаган. Бобом туғилиб ўсган жойини ташлаб кетишни хоҳламаган экан. Тарихдаги улуғ аждодларимиз ҳаётини ўрганган сайин бобомни кўпроқ тушуниб бораяпман. Англашимча, Бобур ҳам, Фурқат ҳам ўзга юртларда яшаган бўлсалар ҳам, ҳамиша ўз она юрти ёди билан умргузаронлик қилишган, Ватанни қўмсаб ўтишган.

Машойихлардан бири: "Шухратпарастлик инсонийликни ҳалокат ёқасига олиб боради", — деган. Шу гап ҳеч ёдимдан кўтарилмайди. Мен келажакда тарих фани ўқитувчиси бўлмоқчиман. Ўқитувчини дарахтнинг илдизига қиёслашади. Одамлар дарахтнинг кўркига боқиб қувонишади, мевасини мақташади, аммо унинг илдизига эътибор бермасликлари мумкин. Илдиз тупроқнинг тагида назардан четда яшириниб ётса-да, дарахт усиз яшнаётгани билса-да, иззат талаб қилмай ўз вазифасини сидқидил-




дан, ҳеч қандай миннатсиз бажараверади. Бу унинг гуруридир.

Биз Ўзбекистон ёшлари гурури баланд аجدодларимизга муносиб авлод бўлишимиз керак.

*Жамшид ОМОНОВ,
Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги
10-умумий ўрта таълим мактабининг
9-синф ўқувчиси*





ГУЛ ДИЁР

Меҳри гулбаҳорим, гўзал диёрим,
Бахтиёр қалбимдек эзгу дилинг ёш.
Жаҳон қарвонида эй шоҳсуворим,
Ўн икки юдузинг — ҳар бири қуёш.

Ҳавасманд булбулу кўзлар маҳлиё,
Сенда кўп мўъжиза, қаромат, хислат.
Сен ўзинг кенг ёруғ пешонам аро
Муқаддас Ватан деб ёзилган қисмат.

Ватаним — шижоат қайнаган юрак
Янада гўзалдир ёрқин келажак!...

*Гулбаҳор ОТАХОНОВА,
Анҷижон вилояти Шаҳрихон туманидаги
62-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси*



БОБОМ

Бобом эркалайди шоир қизим, деб,
Қаламкаш аҳлига доир қизим, деб.
Сен аввал Ватанни куйлагин, болам,
Юртни меҳр билан сўйлагин, болам.

Мен кекса бобомга разм соламан,
Бир ширин энтикиб, ўйга толаман.
Юртни деб қаварган бу қадоқ қўллар,
Элим деб кезилган бу сўқмоқ, йўллар.

Бир умр елкадан тушмаган кетмон,
Кўксида қирқтамас, қирқбир мингта жон.
Шеър деб ёзганимни юзига сулар,
Нурли чехрасида нурли орзулар.

Эҳ, бобо асли сиз шоир эмасми?
Улуғлар мулкига доир эмасми?
Она тупроқ узра пешона тери,
Ўзбек деҳқонининг энг сара шеъри.

Бу шеърни ўқийди экин, майсалар,
Фақат сиз билмайсиз олқиш айтсалар.
Бу ёруғ оламда ҳайрат бор, зеро,
Тунда сув тараган деҳқонга танҳо.

Яна бу ҳаётда шеърларнинг шеъри,
Она — юртим деган хитобингиз бор.
Балки йигирма тўрт миллион, балки кўп,
Иймон деб аталган хитобингиз бор.




АДИРЛАР

Кўкламда бобомни елкага олиб,
Сертупроқ йўлларга чиққан адирлар,
Улуғ бир карвондек ўйларга толиб,
Кўзларим узоққа тиккан адирлар.

Кузда момоларим очган сандиққа
Топган-тутганини тўккан адирлар.
Сўнгра дам олай деб қишлоқ четига,
Серўрkach туядек чўккан адирлар.





ҚАЛБИМ ДУНЁСИ

Севгини хўп таърифлашар одамлар,
Айрилиқлар, ҳижрон, висол, аламлар...
Момоларим ўйлаб босган қадамлар,
Биз севгини шу излар деб тушундик.


Ишқ дегани кўз ўнгингни тўсаркан,
Гул тагида гул кўчати ўсаркан,
Момо, нега юзларингиз қизарган?
Биз севгини шу юзлар деб тушундик.

Бу дунёга не гўзаллар келмишлар,
Вафо экиб, вафосини термишлар,
Саидалар, Зулфиялар, Кумушлар,
Биз севгини шу қизлар деб тушундик.

Қалбим — дунё, қалбим эмас дарвоза,
Ишқим пинҳон, ишқим эмас овоза,
Муҳаббатим бор покиза, бир тоза,
Биз севгини шу ҳислар деб тушундик.

*Нилуфар ҚАЮМОВА,
Наманган давлат университети қошидаги
2-академик лицей ўқувчиси*





ОНА ДЕСАМ

Она десам, юрагимда ҳаяжон,
Она десам, офтоб келар яқинроқ.
Она десам, чекинади бор фироқ,
Сеҳрмисиз, меҳрмисиз, онажон?

Она десам, кулиб боқар ғунчалар,
Она десам, булбул шодон куй чалар,
Олам таъзим қилар сизга бунчалар,
Шуурмисиз, ғурурмисиз, онажон?

Аллангизга қўшиб оқ сут бердингиз,
Оқ ювиб, оқ тараб, ўгит бердингиз,
Бахту шодлигингиз баҳам кўрдингиз,
Посбонмисиз, сарбонмисиз, онажон?

Қучоғингиз эди тилло, зар қўшким,
Жуфт кафтингиз чайқаб толган бешигим,
Сумбула дер, сизгадир илк қўшиғим,
Тилломисиз, танҳомисиз, онажон?



МАРҲАБО

Биз ёшлар эртанинг умидларимиз,
Ўзбекнинг жон қизи, йигитларимиз,
Оталар, дилдадир ўтитларингиз,
Ассалом, меҳрингиз дилимизга жо,
Мустақиллик байрамига марҳабо!

Бахт бўй таратган ажиб бир он бу,
Тарихда топилмас қўшиқ — дoston бу,
Ўзбек бу, мустақил Ўзбекистон бу,
Хуш кўрдик, меҳрингиз дилимизга жо,
Мустақиллик байрамига марҳабо!

Ватан обод бўлсин, халқ обод бўлсин,
Буюк Турон эли доим шод бўлсин,
Маҳалла оралаб хушхабар келсин,
Ўзбекни таниди бугун кенг дунё,
Мустақиллик байрамига марҳабо!

Воҳадан водийга — тўрт ёнга қадар,
Шаҳри Шош, Самарқанд, Қўқонга қадар,
Кўрк эрур заминдан осмонга қадар,
Энг аввал қалбларга, дилларга оро,
Мустақиллик байрамига марҳабо!

*Сумбула РАҲИМОВА,
Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги
2-мактаб ўқувчиси*

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Ўзбекнинг байроғи доим сарбаланд	5
"Ватан менсиз яшаши мумкин, лекин..."	8
Саждагоҳдай муқаддас, пок ва улуғ	12
Тинчлик — энг улуғ неъмат	14
"Асл зотлар авлодлари бош эгмас, ёвқур..."	16
Адабий туйғулар тимсоли — Ватан!	21
Чўп қадасанг, дарахт унар замин — бу!	23
"Зуваламиз самимиятдан..."	24
"Қафасда парвоз бўлмайди..."	26
Мустақиллик — гурур, виқор, юксаклик!	28
"Юрт хаёли — кетмай тур..."	30
Асл ажодларнинг асл авлоди	33
Қорачиқдай асраймиз, диёр!	35
"Тоғлардан Ватанни севишни ўргандим"	36
Ватанпарварликка чорлар ўтмиш, келажак	39
Улуғларга муносиб издош бўламиз	41
Таърифлашга топилмайди сўз	43
"Ўлсам, айрилмасман қучоқларингдан!"	45
Равнақ — жипслиқда	47
Қадрлаш ва қадрланиш nasib этсин	48
Ҳаёт мазмуни	49
Абадийлик қонуни	51
Ватан қадри ва озодлик тушунчаси	53
Ўзбек халқи ҳеч кимдан кам бўлмас асло	55
Онам айтган алладир, Ватан!	57
Сўнмас туйғулар	59
Эрк ҳиссидан улғаймоқда тан	61
Танга қувват, руҳга роҳат сўз	62
Болам дегин	68
Ватан ишқи	68
Боболари буюк юрт фарзандларимиз	70
Ўзбекистон — жаннат юрт	73
Садоқат туғини балаңд тутган эл	75
Тинчлик суврати қароғимда	77
Ҳар бир майса жон қадар азиз	81
Ҳақиқат тантанаси	84
Юртбошимизнинг сўзларини эшитиб гурурланаман	87
Гул диёр	90
Бобом	91
Адирлар	92
Қалбим дунёси	93
Она десам	94
Мархабо	95